

САЙИД РАҲМАТУЛЛОҲ ТЕРМИЗИЙ

ОТА-ОНАГА
ОҚ БЎЛИШДАН
САҚЛАНАЙЛИК



Тошкент
2017

УЎК 28-468

КБК 86.38

Т 41

Ота-она хизматини қилиб, уларни эъзозлаган фарзанд ҳеч қачон кам бўлмайди. Динимизда ота-она ва ёши улуф кишиларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга, баракотли дуоларини олишга буюрилган. Афуски, ҳаётимизда ота-она ҳақини танимай, уни адo этишига лоқайд қарайдиган фарзандлар ҳам учраб туради. Ушбу рисола шундай фарзандларга айни ҳақ-ҳуқуқларни ва уни адo этиши улуф ажр-савобларга мияссар этишини танитади. Кенг ўқувчилар оммаси мазкур рисоладан ўзларига етарли ҳаёт сабогини оладилар, деган умиддамиз.

Термизий, Сайийид Раҳматуллоҳ.

Ота-онага оқ бўлишдан сақланайлик (Ўқуқул волидайн)
[Матн] / С. Р. Термизий. – Тошкент: “Movarounnahr”, 2017.
– 84 б.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2017 йил 3 февралдаги
1442-сонли холосаси асосида нашрга тайёрланди.*

ISBN 978-9943-12-463-9

© Сайийид Раҳматуллоҳ Термизий
© «Movarounnahr», 2017.

СЎЗБОШИ

Бундан икки йил муқаддам мамлакатимизнинг биринчи Президенти Ислом Абдуганиевич Каримов томонидан 2015 йилни юртимиизда “Кексаларни эъзозлаш йили” деб номлангач, бу хайрли ташаббусга жавобан ота-оналар хурмати ва уларга оқ бўлиш оқибатлари ҳақида мўъжаз бир рисола ёзиш умиди қалбимда учқунлаган эди. Бироқ мазкур рисолани айрим сабаблар туфайли кўзланган муддатда ниҳоясига етказиш насиб этмади.

Мана, ҳозир китобнинг қораламасини битириб, ушбу муқаддимани ёзар эканман, орадан икки йил ўтиб, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил “Халқ билан мuloқot ва инсон манфаатлари йили” дея номланди. Шундай бўлса-да, эзгуликнинг кечи йўқ, деган нақлга биноан китобни нашр этиш ҳаракатига тушдим. Зеро, кексаларимизни, ота-оналаримизни эъзозлаш фақат муайян бир йилга хос эмас, балки дуогўйларимиз, хонадонларимиз файзу баракаси бўлмиш ота-оналаримиз, бобою момоларимизни мудом эъзозлаб, хизматларида бўлиш доимо бўйнимиздаги қарзимиз ва шаръий фарзимиз ҳисобланади. Бинобарин, қўлингиздаги бу рисоладан кўзланган мақсад ҳам яхшиликка далолат қилиш, эзгуликни ёдга солишдан иборат. Чунончи, Аллоҳ таоло марҳамат қилиб айтади: **“Эслатинг! Зеро, эслатма мўминларга манфаат етказур”** (Зориёт сураси, 55-оят). Шундан келиб чиқиб, ота-онага оқ бўлиш ҳақидаги ушбу

рисолани сиз азизларга тақдим қилаётганимдан бенихоя мамнунман.

Эҳтимол, айрим ўқувчиларимизда: “Нима учун китобнинг номи бундай, “Ота-онага оқ бўлиш” ўрнига “Ота-онага яхшилик қилиш” деб номласа ҳам бўларди-ку?!” деган савол туғилиши мумкин. Тўғри, шундай номласа ҳам бўларди. Аммо бу ерда бошқа бир муҳим жиҳат бор. “Биррул волидайн”, яъни ота-онага яхшилик қилиш ҳақида шу чоққача юртимиз зиёлилари ва олимлари томонидан кўп ва хўб ёзилган. “Уқуқул волидайн”, яъни ота-онага оқ бўлиш ҳақида эса маълумотлар кам.

Боз устига, “биррул волидайн” билан “уқуқул волидайн” бир-бирига қарама-қарши тушунчага ўхшаса-да, аммо оқ бўлишдан тийилган инсон ўз-ўзидан ота-онасига яхшилик қилувчилар қаторига ўтади. Чунки “уқуқул волидайн” “биррул волидайн”нинг зидди ҳисобланади. Демак, ёмонликлардан тийилиш учун уларни билиб олган инсон ўз-ўзидан яхшиликда бўлар экан. Ҳамма Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан яхшиликлар ҳақида сўраса, Ҳузайфа ибн Ямон исмли бир саҳобий нуқул ёмонликлар ҳақида сўрар экан. У зотдан бунинг сабабини сўрашганда «Мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ёмонликлар ҳақида сўрашимдан мақсад уларга тушиб қолмаслик учундир», деб жавоб берган экан. Аллоҳ у зотдан рози бўлсин!

Ўз навбатида мен ҳам бу рисоламда ота-онага оқ бўлиш мавзусини асос қилиб олган эканман, мақсадим бундай салбий ҳолатдан огоҳланти-

риш, билмаган ҳолда ота-онага оқ бўлиб қолмаслик учун уни атрофлича ёритиб бериш, унинг кўз илғамас турларини очиб бериш ва шу орқали ўқувчиларни ота-онага яхшилик қилишда яна-да эътиборлироқ бўлишга ундашдир. Зеро, китобни ўқиш давомида билиш мумкинки, ота-онага оқ бўлиш анча кенг қамровли ҳамда кўринишлари ва турлари нихоятда кўп ва хилма-хил тушунчадир. Ўйлайманки, Ватанимиз келажаги бўлган ёшларимиз онгига “оммавий маданият” деб аталаётган усти ялтироқ, ичи қалтироқ бўлган маънавий офат хавф солиб турган бугунги кунимиизда рисола ўзининг тарбиявий хизматини адo этади ва қўпчиликка маънавий озуқа ҳамда руҳий тарбия беради. Камоли эҳтиром билан ходимингиз

Сайид Раҳматуллоҳ Термизий

КЕКСАЛАРНИНГ ЭЪЗОЗЛАНИШИ

Маълумки, Ислом динининг таълимоти ва кўрсатмаларида одамзотни маънавий тарбиялаш ва юксак одобу ахлоққа эришириш муҳим ўрин тутади. Бу борада Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қиласидилар: “Мен олижаноб хулқларни камолига етказиш учун юборилгандирман!” (*Имом Аҳмад ва Имом Ҳоким ривояти*).

Динимизнинг тарғиб қилувчи фазилатларидан яна бири ёши катталарнинг қадрини билиш, кексаларни улуғлаш, ҳақларига риоя қилиш, улар билан камоли одоб билан муомала қилиш ва уларни эъзозлашдан иборат. Зоро, Пайғамбар (алайҳиссалом): “Одамлар билан уларнинг мартабаларига мувофиқ равища муюмала қилингиз!” деганлар. Шунга кўра, мусулмон киши одамлар билан уларнинг мақому мартабалари, ёшлари ва обрўларини туширмаган ҳолда муюмалада бўлмоғи лозим.

Динимиз ёши улуғларнинг ҳурматини ниҳоятда баланд кўтариб, унинг таълимотида кексалар, ота-оналар ва ёши улуғ мўйсафидлар бениҳоя қадрланади. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилиб дедилар: “Кимки кичикларимизга раҳм қилмаса, катталаримиз ҳақини билмаса, биздан эмас!” (*Имом Бухорий, Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти*). Мазкур муборак ҳадисдаги “катталаримиз ҳақини билмас”, деган сўз устида тафаккур юритайлик. Зоро, бу кексаларнинг зиммамиздаги

ҳақ-ҳуқуқларини адо этишда улкан асос бўлиб хизмат қиласди.

Кексаларни ҳурматлаш, уларга нисбатан зиммамиздаги вазифаларимизни рисоладагидек адо эта олишимиз учун, аввало, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини билиб олишимиз керак. Уларнинг устимиизда қандай ҳақлари бор, бизларнинг зиммамиизда уларга нисбатан қандай мажбуриятлар бор, аввал шуларни билиб, ҳис қилишимиз лозим экан. Мана шу нарса қалбларга етиб борсагина, инсон кексаларни эъзозлаш учун ҳаракат қилиши мумкин. Бордию бу нарслар қалбан ҳис қилинмаса, қандай қилиб амалда кексаларни ҳурмат қилиш, уларга эътиборли бўлиш мумкин?

“Кимки кичикларимизга раҳм қилмаса, катталаrimiz ҳаққини билмаса, биздан эмас!” дедилар Набий (алайҳиссалом). Демак, ёши улуғларнинг қадрига етиб ҳақларига риоя қилмаган киши тўғри йўлда эмас, Пайғамбар йўлида эмас. Чунки Пайғамбар (алайҳиссалом) кексаларни ҳурмат қилганлар, эъзозлаганлар. Набий (алайҳиссалом) Макка фатҳида унга кириб келганларида, Абу Бакр (розияллоҳу анху) уйига бориб кексайиб қолган отаси Абу Күҳофани Пайғамбар ҳузурига олиб келди. Абу Күҳофа ўша пайтда ҳали Исломни қабул килмаган эди. У киши Пайғамбаримиз ҳузурига келгандага Набий (алайҳиссалом) Абу Бакр (розияллоҳу анху)га дашном бериб: “Нима учун бу мўйсафид зотни бизнинг ҳузуримизга келишга мажбур қилдингиз? Айтсангиз, ўзимиз у кишининг олдига борардик”, дедилар. Бу сўзлари билан

Пайғамбар (алайҳиссалом) кекса инсонни заҳматга қўйиб, ҳузурларига олиб келишни маъқул топмай, Абу Бакрнинг ниятини билганларида ўzlари борган бўлишларини билдирилар. Шундан сўнг Набий (алайҳиссалом) муборак қўлларини Абу Қуҳофанинг кўксига қўйиб, уни Исломга чақирғанларида Аллоҳ унинг қалбини Исломга кенг ва мойил қилиб қўйди ва ўша заҳоти Исломни қабул қилди.

КЕКСАЛАРНИ ҲУРМАТЛАШ АЛЛОҲНИ УЛУҒЛАШДИР

Абу Мусо Ашъарий (розияллоҳу анҳу) ривоятида Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилиб дедилар: “Мусулмон мўйсафидни (Куръонда) ғулув ҳам қилмайдиган, (ҳаддан ошмаган) бепарволик қилиб ташлаб қўймайдиган Куръон ҳомилини ва одил подшони ҳурматлаш Аллоҳни улуғлашдандир” (*Абу Довуд ривояти*).

Ушбу ҳадиси шариф ҳам жуда сермазмун ва ибратли ҳадислар сирасига киради. Бироз тафаккур юритайлик! Аллоҳ таоло Ўзини улуғлашни кексаларни улуғлашга бежизга боғлаб қўймади. Кимки Аллоҳни улуғлаётган бўлса-ю, лекин кексаларга беписанд муомала қилаётган бўлса, ҳурматини ўрнига қўймаса, демак, уни Аллоҳни улуғламаяпти, деб бўлмайди. Унинг иддаоси пуч. Аллоҳни улуғлашни истаган одам аввал ёши катталарни, ота-онасини ва мўйсафидларни улуғласин. Мана шу иши Аллоҳни улуғлаш бўлади. Аллоҳнинг нақадар

улуғлигини ва нақадар олижаноблигини қаранг. У Холиқни улуғлашни махлукни улуғлашга, кучлини (яъни Аллоҳни) ҳурматлашни заифни (бандани) ҳурматлашга боғлаб қўйди. Кимки кексаларни иззат-икром қилса, уларга эътибор кўрсатса, у ажр-савоб олади, Аллоҳга яқинлашади. Бундан-да олижаноб дин борми дунёда?!

Кексаларни улуғлаш деганда уларни ҳурмат қилиш билан бир қаторда кексаларнинг барча ҳақ-хуқуқларига риоя қилиш, уларга маънавий, ижтимоий, иқтисодий ва тиббий жиҳатдан эътибор кўрсатиш, ғамхўрлик қилиш кабилар ҳам киради.

КИЧИКНИНГ КАТТАГА САЛОМ БЕРИШИ

Динимизда кексалар ҳурматланишининг амалий қўринишларидан яна бири кичикларнинг катталарга биринчи бўлиб салом бериш одобидир. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда бундай марҳамат қилинади: “Кичик каттага салом беради, ўтиб кетаётган одам ўтирган одамга салом беради, озчилик кўпчиликка салом беради” (*Имом Бухорий ривояти*).

КЕКСАЛАР, ЁШИ УЛУҒЛАР МАРТАБАСИ

Олижаноб динимизда кекса ва ёши улуғларнинг мартабалари, аввало, Аллоҳ таолонинг ҳузурида, қолаверса, жамият олдида олийдир. Зеро, ёши улуғ зотлар дейилганида кўз олдимизга сизу бизнинг дунёга келишимизга сабаб

бўлган мушфиқ ота-оналаримиз келади. Чунки уларнинг соchlари бизнинг ғамимизда оқарган, нурли юзларига биз сабаб ажин тушган, нурафшон кўзларининг нури бизнинг йўлимиизда сарф бўлган зотлардир.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Яхшилик (бошқа ривоятида барака) катталарингиз билан биргадир” (*Ибн Ҳиббон ривояти*).

Шунинг учун ҳам кексаси бор хонадон баракали ва нурли бўлади. Яна Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоятида Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қилдилар: “Қайси ёш киши кексани икром қилса, у ёш киши кексанинг ёшига етганида Аллоҳ таоло уни икром қиласидиган кишини тақдир қиласи” (*Термизий ривояти*).

Убода ибн Сомит (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда бундай дейилади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилиб дедилар: “Катталаримизни ҳурмат қилмаган, кичикларимизниг ҳақини билмаган кимса менинг умматимдан эмас”» (*Имом Аҳмад ривояти*). “Наводирул усул” китобида ушбу муборак ҳадисга қуйидагича шарҳ берилган: «Ёши кекса инсонни ҳурмат қилиш Аллоҳ жорий қилган ҳақдир. Чунки кекса инсон узоқ муддат давомида ҳаётини ибодатда ўтказди. Кичикка раҳм қилиш Аллоҳнинг ишига мувофиқ иш қилишдир. Чунки Аллоҳ кичик-

ка раҳм қилиб, ундан бандалик ишларини талаб қилмади. Гуноҳ қилса, жазо тайинламади. Олимнинг ҳақини билиш эса илмнинг ҳақини билмоқдир. Зеро, Аллоҳ илм қадрини баланд қилиб унинг орқасидан илм ато этилган инсонларнинг ҳам қадрини юксакка кўтаради. Ва: “**Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни** (баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур”, деди (*Мужодала сураси, 11-оят*).

Истиқлолга эришган илк кунларимиздан нафақадаги кекса отахон ва онахонларга, ногирон ва муҳтожларга ғамхўрлик ва беминнат ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Буларнинг барчаси юртимизнинг азиз дуогўйларига билдирилаётган катта ҳурмат-эътибор рамзи бўлса, иккинчи томондан уларнинг доимий қилаётган холис дуои хайрлари, иншоаллоҳ, юртимизни ва халқимизни турли бало-офатлардан сақлашга хизмат қилаётгани аниқ. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху) ривоятида Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайхи ва саллам) марҳамат қилиб дедилар: “Агар орангизда мункиллаган қариялар, ўтлаб юрган жонзотлар ва эмизикли чақалоқлар бўлмаганида эди, бошингизга балолар селдек ёғилур эди” (*Байҳақий ривояти*).

Шундай экан, ёши катталарнинг тер тўкиб, рўзгор ташвиши деб юришини, қўлларидан келадиган барча яхшиликларни фақат фарзандларига аташини яхши билишимиз, бунинг шукронаси учун уларни ранжитмай, айтганларини бажаришимиз, отамиз чарчаган

пайтда ва унга ёрдам керак бўлганида дарҳол кўмакка шошилишимиз, фарзандлик бурчини ўташга ҳамиша шай туришимиз лозим. Адолат мезони уларнинг бу ғамхўрлик ва хизматлари ни муносиб тақдирлашни тақозо этади. Зоро, Аллоҳ таборака ва таоло марҳамат қилиб айтади: “Эҳсон (эзгулик)нинг мукофоти фақат эҳсон (эзгулик)дир” (*Раҳмон сураси*, 60-оят).

Инсон дунёга келар экан, дастлаб жуда заиф ва нимжон бўлади. Аста-секин улғайиб, қувватга тўлади. Йиллар ўтиб ёшига ёш қўшилган сари яна қуввати кетиб, заиф бўлиб қолади. Бу ҳақда Куръони каримда бундай дейилган: “Аллоҳ шундай зотдирки, сизларни заиф нарсадан (бир томчи сувдан) яратди, сўнгра (сизларга) заифликдан кейин (кувват пайдо) қилди. Сўнгра қувватдан кейин яна заифлик ва қариликни (пайдо) қилди. У Ўзи хоҳлаган нарсани яратур. У Билимдон ва Қудратли-дир” (*Рум сураси*, 54-оят).

Бу дунёда инсонни қилган яхшиликларию, эккан дарахтлари, вояга етказган фарзандларию, тарбиялаган шогирдлари улуғлайди. У дунёга келиб, яқинлари, оила аъзолари ва атрофини ўраб турган ёр-дўстлари билан бирга умргузаронлик қилади. Кечаги гўдак бугун йигит. Вақт ўтиши билан ёшлик ҳам бевафо дўст сингари ташлаб кетади уни. Бу ҳаёт қонуни. Аммо инсон мана шу умри давомида қанча кўп яхшилик қилса, савоб захирасини кўпайтирса, ана шу ҳақиқий ютуғидир. Зоро, умрнинг узунлиги унда қилинган яхшиликлар салмоғига қараб фойдали бўлади.

Абдуллоҳ ибн Бишр Асламий (розияллоҳу ан-ху)дан ривоят қилинганд ҳадиси шарифда Ра-сулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қиласидилар: “*Одамларнинг энг яхиси умри узун бўлиб, амали гўзал бўлганидир*” (*Терми-зий ривояти*).

Афсуслар бўлсинки, қариялар ва кекса ота-оналар айрим кишилар назарида текинхўр ва ортиқчадек туюлади. Бирор даврага кирганда ёшлар ёки фарзандлари баъзан “уф” тортиб, “қариганда уйда ўтирса бўлмасмикин-а?” деб ёқтирамайди.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда инсонни ўз ота-онасига яхшилик қилишга буюриб бундай дейди: “**Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик...**” (*Анкабут сураси, 8-оят*).

Бошқа бир ояти каримада бундай марҳамат қиласиди: “**Раббингиз, Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди.** (Эй, инсон!) Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга “уф..” дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт!” (*Исро сураси, 23-оят*).

Ушбу оятда “**ёқимли сўз**” деганда ота-онани номини айтиб чақирмаслик, балки “**отажон, онажон**” каби сўзлар билан ёш гўдакларга хос муомала қилиш, уларни ранжитадиган гапларни тилга олмаслик, улар олдида ўзини қул ёки хизматкордек тутиш кабиларни тушуниш керак бўлади.

«Биз инсонга ота-онасини (рози қилишни) буюрдик. Онаси уни заифлик устига заифлик билан (қорнида) кўтариб юрди. Уни (кўк-ракдан) ажратиш (муддати) икки йилда (битар). (Биз инсонга буюрдикки) Сен Менга ва ота-онангга шукр қилгин! Қайтишлиқ Менинг ҳузуримгадир”» (Луқмон сураси, 14-оят).

Ҳаётнинг ўзига хос аччиқ ва ширин томонлари бор. Айниқса, кексалар эътиборга, меҳрмурувват ва шафқатга муҳтоҷ бўладилар. Етмиш ёш довонидан ошган киши янада табаруқлашади. Бундай инсонлар сўзига қулоқ тутмоқ ва панд-насиҳатларини олмоқ лозим. Оилани оёққа турғазган, ўғил-қизларни едириб-ичирган, уларни деб елиб-юргурганлар ҳам шулар. Кексаликнинг ҳам ўзига яраша оғирлиги бор. Бундай кишиларда беморлик, кўз хиралashiши, оёқ-бел оғриши, кучдан қолиш, аввалги завқ-шавқнинг сусайиши юз беради. Қарияларимизга ғамхўрлик қилиш, уларнинг парвариши ёшларнинг бурчи бўлиб, бунга катта ажрлар берилади.

Атрофимизда яхши кишилар борлигидан, улар билан ёнма-ён яшаётганимиздан қувонишимиз керак. Унутмайлик, имон-эътиқодли қариялар бўлмаган жойда яхши тарбияли ёшлар ҳам бўлмайди. Чунки шу қариялар уларга вақтида танбех беради, нотўғри ишдан қайтаради.

Аллоҳ таоло улуғ ёшдаги ота-оналаримизни Ўзининг ҳифзу ҳимоятида сақлаб, халқ тинчлиги ва фаровонлигини тилаб қилаётган дуоларини мустажоб айласин, фарзандларимизга инсоф ва тавфиқ бериб, ота-оналарини эъзозлайди-

ган, уларга ҳурмат-эътибор кўрсатадиган солих инсонлардан қилсин!

ОҚЛАБ БЎЛМАС ҚАБОҲАТ

“Ота-онага оқ бўлиш” нима дегани?

“Ота-онага оқ бўлиш” деган иборани кўпчилик нотўри тушунади. Мазкур тушунчага кўра бу ҳолат ота-онанинг ўз фарзандидан кечириб бўлмайдиган даражадаги қилмиши туфайли қаттиқ норози бўлиб, ундан буткул юз ўтириши ва буни “Сени оқ қилдим” каби сўзлар билан ошкора эълон қилишида намоён бўлади. Шу дараҷага етмагунга қадар оқ бўлган ҳисобланмайди. Аслида ҳам шундайми? “Ота-онага оқ бўлиш” тушунчаси фақат шундан иборатми? Ота-онасига оқ бўлиш-бўлмасликни фақат юқоридагидек ҳолат белгилаб берадими? Бу саволларга ба-тафсил жавоб топиш учун мазкур тушунчанинг келиб чиқиши, маъноси ва шариатимиздаги таърифи билан танишиб чиқайлик. Зеро, айнан шариат фарзанднинг ота-онасига қиладиган муомаласидаги муайян ҳолатни “ота-онага оқ бўлиш” дея баҳолаган экан, унинг асл моҳиятини ҳам шаръий манбалардан излаб кўриш керак.

“Ота-онага оқ бўлиш” тушунчаси араб тилида “ъуқуқул волидайн” (*عُوقُوكُولِ وَالْدِينِ*) деб аталиб, юқорида келтирилган ҳолатдан бирмунча кенгроқ маъноларни ўз ичига олади. Бу ердаги “оқ” (*عَقَ*) сўзини ранг-тусни билдирувчи сифат билан чалкаштираслик лозим. Негаки, бу сўз аслиятда “кесмоқ” маъносини англатувчи арабча:

“عق” (ақ-қа), “يعق” (яъуқ-қу), “عقوق” “үқуқ(ун)” феълидан олинган исми фоил¹ бўлиб, лугавий жихатдан ота-онасидан чиройли муомалани узувчи, итоатсизлик қилувчи, уларни хафа қилувчи киши, деган маъноларни англатади. “Үқуқул волидайн” нинг зидди эса “биррул волидайн” (ота-онага яхшилик қилиш) деб аталади.

Машҳур тилшунос, аллома Ибн Манзур “үқуқ” (оқ бўлиш) сўзининг луғат жихатидан далолат қиладиган маъноларига тўхталаар экан, бундай дейди: «عَقُّ وَالدَّهِ» (ақ-қа валидаҳу) “отасига оқ бўлди” деган ибора “отасига итоат қилишдан бўйин товлади” маъносини англатади, “عَقُّ وَالدِّيَهِ» (ақ-қа валидайҳи) “ота-онасига оқ бўлди” жумласи эса “ота-онани ташлаб қўйиб, алоқани узиш ҳамда улар орқали боғланган қариндошлари билан алоқани узиш” маъноларига далолат қилади».

Ибн Манзур давом этади: “Хадиси шарифларда Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-нинг оналарга оқ бўлишдан қайтаргандари ворид бўлган. Шунингдек, мазкур сўз (яъни үқуқ) “бирр” “(ота-онага) яхшилик қилиш” сўзининг зидди (антоними) ҳисобланади. Аслиятда эса бу сўз “кесиш” маъносини билдирувчи “ақ-қ(ун)” сўзидан олинган” (“Лисонул араб”).

Яна таъкидлаш керакки, шариатда үқуқул волидайн деганда фарзанддан ота-онага озор етказадиган ҳар қандай сўз ва амаллар содир бўлиши назарда тутилади. Аллома Ибн Ҳажар айтади: “Үқуқул волидайн бу – ота-она-

¹ Исми фоил, яъни аниқ даражадаги сифатдош

нинг иккисига ёхуд улардан бирига урф жиҳатидан арзимас саналмайдиган даражада азият етказмоқдир”. Демак, умумий маънода тушунадиган бўлсак, ота-онага оқ бўлиш деганда фарзанд томонидан ота-онага жиддийроқ азият беришни ирода қилинар экан. Мазкур азият феълий (хатти-ҳаракат билан), қавлий (сўз) ва имо-ишора билан амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларни ўз ичига олиши мумкин.

Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ота-онага оқ бўлиш ҳақида сўрашганда, у зот бундай деб жавоб берди: «Агар фарзанд кийимини қоқсаю унинг чангига отаси ё онасига тегса, бу фарзанд Аллоҳ ҳузурида оқ бўлган, дея ёзилади». Ҳасан Басрий (раҳматуллоҳи алайҳ)дан: “Уқуқул волидайн нима?” деб сўрашганда: “Фарзанднинг ота-онасига яхшилик ва эҳсонни тўхтатиб қўйиши, уларни ташлаб қўйиши ва юзларига тик боқишидир”, деб жавоб берган экан. Тобеинлар улуғининг бу сўзларидан фарзанд ота-онасини ўз яхшиликларидан маҳрум қилиши ҳам оқ бўлиш жумласидан ҳисобланувчи амаллар сарасига киришини билиб оламиз. Энди ота-онасини ўз яхшиликлари ва меҳр-мурувватидан маҳрум қилиш тугул, уларга турли озор ва азиятлар етказиш орқали доимий равишда ранжитиб, дилларига озор бериб юрувчи фарзандлар ҳақида бир ўйлаб кўрайлик! Уларни нима дейиш мумкин?! Ато: “Зинҳор ота-онангга қўл кўтарма!” деса, Урва ибн Зубайр (розияллоҳу анҳу): “Ота-онангга улар яхши кўрадиган нарсаларни дариғ тутма!” дейди.

Ўтган улуғларимиз, салафи солиҳларимиз ота-онага яхшилик қилишда ғоят пешқадам бўлиб, бу борада бутун инсониятга ўрнак ва намуна бўлганлар. Ривоят қилинишича, Зар ибн Умар исмли кишининг отасидан у ҳақда сўрашди. Отаси фарзандининг ўзига эҳтироми нечоғли эканини кўрсатиб берадиган айrim ишларидан гапириб берди: “Кундуз куни юрганимда ўғлим мен билан бўлса, орқамда юради. Тунда эса фақат олдимга тушиб юради. Бирор уй ва ҳоказо ичида бўлсан, асло ўша уйнинг томига чиқмайди” (“Вафаётул азён”, 3/443).

Қисқа бўлишига қарамасдан олам-олам маъноларга эга бу сўзларга бироз изоҳ берсак. “Кундуз куни юрганимда ўғлим мен билан бўлса, албатта орқамда юради”. Чунки кундузи кўчалар гавжум бўлгани боис, атроф хавф-хатардан деярли холи бўлади. Бу вақтда ёмон ниятли кишилар ҳам қаршисида пайдо бўлган одамга ошкора зарар етказишдан тийиладилар. Шунинг учун Зар отасига ҳурмат юзасидан унинг ортидан юради, ундан олдинлаб кетмайди. Отасини ўзидан олдинга ўтказади. Кечқурун эса ахвол бироз бошқачароқ. Тунда олдиндан чиққан киши ўғри, қароқчи, йўлтўсар бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда атроф хавф-хатардан холи эмас. Айниқса, гап уйдан сал нарироғи очиқ яланглик ёхуд сахро бўлган, электр ва кўча чироқларидан холи бўлган замонлардаги шароит ҳақида кетаётганини ҳисобга олсак, бу ҳолатни янада аниқроқ тасаввур қилиш мумкин. Шу сабабдан Зар тунда отасини ҳимоя қилиш, мабодо қарши тарафдан бирор хавф пайдо бўлса,

биринчи унга ўзи рўбарў бўлиши учун отасининг ортида эмас, олдида юради. “Бирор уй ва ҳоказо ичида бўлсам, ҳаргиз унинг томига чиқмайди”. Бунга изоҳ шарт бўлмаса керак. Ўзини отасидан юқори қўймаслик учун Зар отаси ичида бўлган бирор хонанинг устига чиқмайди, гарчи бу ишга эҳтиёжи бўлса ҳам...

Биз мазкур одобларнинг бирортасига амал қила олапмизми?.. Оталаримиз билан маросим, зиёфат ва ҳоказога борсак, уларнинг ортидан эргашиб юряпмизми ёки бунинг тескариси бўляптми?.. Баъзан шундай ҳолатларга ҳам гувоҳ бўламиш: баъзилар тўй, маросим ва ҳоказоларга отаси билан борса, ўзи олдинда юриб, ота унинг ортидан мунғайиб эргашади. Одамлар пўрим кийиниб олган ўғил билан қуюқ салом-алик қила бошлишади, фарзанд ҳам отасини унутиб, танишибилишлари билан шакаргуфтторлик қилишга тушиб кетади. Бечора отани эса ҳеч ким танимайди ҳам, бирор унга илтифот кўрсатмайди ҳам.

ОТА-ОНАГА ОҚ БЎЛИШНИНГ ҲУКМИ

Ота-онага оқ бўлиш Китоб ва суннат далолатига кўра ҳаром ва гуноҳи кабиралардан ҳисобланади. Аллоҳ таоло марҳамат қилиб айтади: «Раббинг, Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишини амр этди. (Эй инсон:) Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга “уф...” дема ва уларни жеркима. Уларга (доимо) яхши сўз айт! Уларга

мехрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут ва (дуода) айт: “Эй Раббим! Мени (улар) гўдаклик чоғимда тарбиялаганлариdek, Сен ҳам уларга раҳм қилгин!” (*Исрo сураси, 23–24-оятлар*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сизларга кабира гуноҳларнинг энг каттаси нималар эканини айтайми? (Кабираларнинг энг каттаси) Аллоҳга ширк келтириш, кейин ота-онага оқ бўлиш ва ёлғон гувоҳлик беришдир” дедилар (*Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти*).

ОТА-ОНАСИГА ОҚ БЎЛГАН ФАРЗАНДГА ДУНЁЮ ОХИРАТДА БЕРИЛАДИГАН ЖАЗО ВА УҚУБАТЛАР

Мусулмон умматининг барча уламолари ота-онага оқ бўлиш ҳаром ва гуноҳи кабира эканига иттифоқ қилишган. Ота-онасига оқ бўлган, яъни ота-онасига итоатсизлиги, ёмон хулқи ва қўпол муомаласи билан озор берувчи, улардан яхшилигини аяган фарзанд Аллоҳ таоло томонидан дунёю охиратда турли уқубатлар билан жазоланади. Биринчиси, бундай фарзанднинг ризқи тор қилиб қўйилади, мабодо кенг бўлса ҳам, бу истидрож бобидан бўлади. Яъни, агар ундан фарзанднинг ризқи торайиш ўрнига кенгаяётган бўлса, бу унинг фойдасига эмас, зарарига бўлаётган ва унинг янада туғёнга кетиб, гуноҳлар жарлигига чуқурроқ қулаши учун амалга оширилаётган бир тузоқ бўлади. Иккинчиси, ота-онасига ёмонлик қилувчи кишининг умри ота-онасига яхшилик қилиб,

қариндошлари билан борди-келди қилувчи кишининг умридек узайтириб қўйилмайди. Учинчиси, пайшанбадан жумага ўтар кечада унинг солих амаллари Аллоҳ ҳузурига кўтариilmайди. Тўртинчиси, ундаи кимсани Аллоҳ таоло ёмон кўради. Бешинчиси, уни ўз аҳли оиласи ва қўни-қўшнилари ҳам яхши кўрмайдилар. Олтинчиси, ундаи фарзанднинг ёмон хотима топиш эҳтимоли бор. Еттинчиси, ота-онасига оқ бўлган фарзандни Аллоҳ, фаришталар ва мўминлар лаънатлайдилар. Саккизинчиси, дуоси ижобат бўлмайди. Тўққизинчиси, у ота-онасига қандай ёмон муомалада бўлса, худди шундай муомалани ўз фарзандлари ва набираларидан кўради. Зеро, жазо қилмишнинг жинсидан бўлур. Ўнинчиси, ота-онасига оқ бўлган фарзанд тавҳид аҳлидан бўлса, жаннатга биринчилар қаторида киролмайди. Ўн биринчиси, гарчи жаннатга кирса ҳам, Аллоҳ унга назар қилмайди. Аллоҳ таолонинг бир бандасига назар қилмай, ундан “юз буриши”нинг ўзи аслида мўмин учун катта жазодир. Набий (алайхиссалом) дедилар: “Уч тоифа инсон борки, Аллоҳ азза ва жалла Қиёмат куни уларга боқмайди. Улар: ота-онасига оқ фарзанд, ўзини эркакча тутадиган аёл ҳамда даюс киши. Яна уч тоифа инсон жаннатга кирмайди: миннатчи, ота-онасига оқ фарзанд ва хамрга муккасидан кетган киши” (*Насоий ривояти*).

Абу Хурайра (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинишича, бир куни Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Хор бўлсин!.. Яна хор бўлсин!.. Яна хор бўлсин!..”, дедилар. Саҳобийлар: “Ким (хор бўлсин), ё Расулуллоҳ?” дейишли. Шунда Набий

(соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Ота-онасининг ҳар иккиси ёки бирига (уларнинг қарилик чоғида) етишган-у, лекин (уларни рози қилиб) жаннатга кирмаган киши!” (*Имом Муслим ривояти*).

Ушбу ҳадисга шарҳ берган уламолар айтадилар: “Ота-она кексайиб, заифлашиб қолганда уларга яхшилик қилиш, хизматларини қилиш ҳамда инфоқ-эҳсонлар билан кўнгилларини кўтариш жаннатга кириш сабабларидандир”.

ОТА-ОНАГА ОҚ БЎЛИШГА САБАБ БЎЛУВЧИ АМАЛЛАР

Ота-онага оқ бўлишнинг турлари ва қўринишлари кўп. Ҳаётимизда бу кабилар борган сари янги-янги шаклларда намоён бўлиб бормоқда. Қўйида шуларнинг баъзиларига мисол келтириш билан кифояланамиз:

Ота-онани хафа қилиб, дилларини оғритиш, уларни йиғлатиш.

Бу каби азият сўз билан, хатти-ҳаракат билан ёхуд шу азиятга сабабчи бўлиш орқали содир бўлади.

Ота-онага бақирмоқ, уларни жеркиш ва қўпол муомала қилмоқ.

Аллоҳ таоло марҳамат қилиб буюради: “...ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт!” (*Исро сураси, 23-оят*).

Бирор ишга буюрганда ота-онага “уфф” дея малолланиб, оғринганини билдириш.

Бу сиртдан қараганда қўзимизга арзимасдек кўринса-да, аммо ота-онамизни қаттиқ

ранжитади. Буюраётган хизматидан ва юмушларидан малолланиб фарзандининг “уф” тортаётганини эшитган кекса ота қай аҳволга тушишини бир тасаввур қилиб кўрайлик. Айниқса, фарзандини вояга етказиб, бетоб бўлган вақтларида унинг соғлигини деб елиб-юурганда бирор марта малолланмаган, бутун умрини унга бағишлаган бу инсон йиллар ўтиб, оддий юмушга буюрганда фарзанди оғриниб, жаҳли чиқса, ҳатто “жонимга тегиб кетди!” дегандек “уф” тортса, бу ҳолатдан отанинг шикаста қалби қанчалар яраланади?! Ёки умуман иш буюрмаса ҳам, баъзилар ота-онасининг насиҳати ёқмаётганини билдириш учун ҳам уф тортадилар. Бу эса ота-онасининг қалбига мисли кўрилмаган оғриқ етказади. Шу боис Аллоҳ таоло Ўзининг муборак каломида ота-онага ҳатто “уф” дейишдан ҳам қайтарган. **“Уларга “уф” дема!..”**

Бу ояти каримада катта тарбиявий қувват мавжуд. Ота-онадан малолланишнинг энг кичик ифодаси ҳисобланмиш “уф” деган сўзни айтишдан қайтарилаётган экан, очиқ-ойдин ҳурматсизликни ифода қилувчи бошқа ҳар қандай нохуш сўзларни гапириш ҳамда қўрсқўпол муомала қилиш асло мумкин эмаслиги ўз-ўзидан келиб чиқади.

Баъзи фарзандлар ота-онаси иш буюрганда, сиртда итоат этса ҳам, ичидан норози эканини билдириш учун “уф” дейди. Сўнгра ўрнидан туриб, қош-қовоғини уйган ҳолда айтилган ишни истар-истамай қилишга киришади. Ундан кўра ўз малолини ичга ютиб, чехрасида илиқ табасум изҳор этган ҳолда ота-онасининг амри-

ни бажаришга киришса, нур устига нур бўлар, ҳам гуноҳдан сақланган, ҳам савоб қозонган ва дуоларини олган бўларди.

Ота-онаси ҳузурида қовоғи солиқ, пешонаси тиришган ҳолда юриш.

Баъзи фарзандлар уйдан ташқарида ўта хушчақчақ, хушмуомала ва очик чехрали бўлади. Аммо уйга кириши билан бутунлай ўзгарили. Ота-она ҳузурида ҳалиги шодонлик ва ширинсўзликдан асар ҳам қолмайди. Олижаноблик ва ширинсуханлик ўрнини қўполлик ва қўрслик эгаллайди. Бундай кишиларни халқимиз “Уй – зиндон, кўча – хандон”, деб атайди. Шоир айтади:

*Гоҳо шундай одамлар бор – бегонага
Гўё муҳиб – яхшиликлар қилгай фақат.
Атрофига унга қардош, яқинлари
Яхшиликтан бенасибу мудом бебахт.*

Ота-онага таҳқир назари ёки ғазаб ва нафрат билан боқиши.

Мувовия ибн Исҳоқнинг ривоят қилишича, машҳур тобеин Урва ибн Зубайр бундай деган: “Отасига ўқрайиб қараган кимса унга яхшилик қилмабди (яъни оқ бўлибди)” (*Имом Заҳабий* “*Сияру аълом ан-нубало*”).

Ота-онага иш буюриш.

Баъзи фарзандлар ўзи уddyalай олса ҳам, онасига хонасини супуриб-тозалашни, кийимларини ювив беришни, таом тайёрлашни ва ҳоказо ишларни буюради. Яна бошқаси бундан-да арзимас ишларни ҳам буюриб онасини овора қиласди. Ҳатто ўзи туришга эриниб, онасини чой дамлаб келиш, сочиқ олиб келиш ва ҳоказо иш-

лар учун ўрнидан турғазади. Бундай муомала қобил фарзандларга ярашмайди ва уларнинг шаънига нолойиқ ишдир. Айниқса, онамиз кекса, заифа ва хаста бўлса, мазкур юмушларни уларга раво кўриш нақадар хунук! Аммо онамиз тетик ва соғлом ҳолатда ўз хоҳиши ва рағбати билан айрим оддий хизматимизни қиласа, бунинг зарари йўқ. Бироқ бу ҳолатда ҳам имкон қадар уларни уринтирумасликка ҳаракат қилиб, қўлларидан юмушларини олишимиз мақсадга мувофиқдир. Бордию онамиз шунда ҳам бу ишларни ўзи бажаришни истаб, қаттиқ туриб олса, миннатдорлигимизни изҳор этиб, ҳақларига дуо қилишни унутмаслигимиз лозим.

Она ҳозирлаган егулик, пиширган таом ва ҳоказони танқид қилиб ёмонлаш.

Бу ишда иккита гуноҳ жам бўлган. Бири таомни айблаш бўлиб, бу жоиз эмас. Зеро, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) (умрлари давомида) ҳеч бир таомни ёмонламаганлар. Агар ёқса, ундан еганлар, ёқмаса, емаганлар. Иккинчиси эса, бу ишда онага нисбатан одобсизлик мавжуд бўлиб, бу унинг дилини ранжитади, хурсандчилигини барбод қиласи. Шу боис онамиз ҳозирлаган егуликларни хурсанд бўлиб тановул қилиш, “қўлларингиз дард кўрмасин”, “жуда ширин бўлибди”, “кам бўлманг!” каби сўзлар билан кўнглини кўтариб, ҳақига дуолар қилиб кўйишимиз нур устига нур бўлади.

Ота-она гапираётганда улардан юз буриш.

Баъзи фарзанд ота-онаси ўзига қаратса сўзлаётган вақтда бошқа ёққа ўгирилиб, қулоқ тутмайди ёки бошқа одамлар, масалан, хотини

ёки болалари билан гаплашиб ўтиради. Бу ҳам ота-онага нисбатан хурматсизликнинг бир кўриниши. Бошқа тоифа фарзандлар эса нафақат ота-онаси сўзига эътиборсиз, балки уларнинг сўзини бўлиб, талашиб-тортишади, ҳатто жанжаллашиб, даҳанаки жанг қилишгача етиб боради. Бу иш ота-онага нисбатан таҳқир, шаънини ерга уриш ва қадр-қиммати қай дараҷада эканини билдириб қўйиш ҳисобланади.

Ота-онага уй юмушларида қарашмаслик.

Бунга уй йиғишириш, хона ичини тартибга келтириш, таом тайёрлаш ва ҳоказоларда қарашмаслик, ҳовли ёки уй ичидаги бирорта таъминалаб ишлар чиқиб қолганда ота-онага ёрдам бермаслик кабилар киради. Баъзи ўғил фарзандлар одатда ҳовлига сув сепиши, таом учун картошка, пиёз ва ҳоказоларни арчиш каби аёллар бажарадиган ишларда онасига ёрдам беришни нолойиқ ҳисоблаб, ўзига тўғри келмайдиган иш деб ўйлайди. Айниқса, ёрдам берадиган қизи ёки келини бўлмаса, уй юмушларида онага ёрдам беришнинг нимаси ёмон?! Ахир Набий (алайхиссалом) ҳам ҳовлини супуриб-сидириш, нон тайёрлаш каби айрим уй юмушларида аёлларига ёрдам берганлар-ку. Ўз аёлига ёрдамлашиш мумкин бўлсаю, онага ёрдамлашиш яна-да аъло ва авло эмасми?! Ўғил болаларни қўйиб турайлик, баъзи қизларимиз шундоқ қўзи олдида онаси қийналиб, куйибишиб уй ишларини қилаётган бўлса ҳам, ўрнидан қўзгалиб ёрдам берай демайди. Балки онасини шу аҳволда қолдириб, соатлаб телевизор

олдида кетолмайди ёхуд телефонда дугоналари билан гап сотишдан бўшамайди. Бунда она бечора бир томондан ёлғиз ўзи уй ишларини қилиб қийналса, иккинчи томондан тарбиясиз қизининг ўзини тутишидан изтироб чекади.

Ота-она ҳузурига рухсат сўрамасдан, огоҳлантирмасдан кириб келиш.

Бу ҳам ота-онага нисбатан одобсизликка киради. Зеро, ота-она ўз хонаси ичидаги экан, ҳар иккови ёки бирлари бирор кўришини истамайдиган ноқулай ҳолатда бўлишлари мумкин. Ана шу вақтда ҳузурларига тўсатдан кириб келинса, бу иш хижолатга қўйиши ёки ранжитиши табиий. Шу боис доимо ота-онанинг хос хонасига эшикни тақиллатиб ёки рухсат бергандан кейин кириш мақсадга мувофиқдир.

Ота-она ҳузурида муаммо чиқариб, жанжал кўтариш.

Ота-она ҳузурида ака-ука, хотин, бола-чақа ёки умуман ким билан бўлишидан қатъи назар, бир иш юзасидан низолашиб, жанжаллашишдан тийилиш лозим. Зеро, бу ҳам ота-онага азият етказади ва уларга нисбатан ҳурматсизлик саналади. Баъзи кишилар борки, оила аъзоларидан кимнидир қилган хатоси учун уришмоқчи бўлса, бу ишни, албатта, ота-онаси олдида қилишни яхши кўради. Ака-укалари билан тортишиб, сан-манга бориб қолса ҳам, бу ишлар ота-онаси кўз олдида қилинади. Ҳолбуки, бу ишлар ота-онага ёқмайди, тинчини бузиб, асабийлашишига сабаб бўлади.

Кўпчилик олдида ота-онасини ёмонлаб, камчилик ва хатоларини фош қилиш, уларни айблаш

Баъзи фарзандлар ҳаётда омади келмай қолса, масалан, ўқишга кира олмаса ёки ҳаётда ўзи орзу қилган мавқега эриша олмаса, айбни дарров ота-онасига ағдаради. Ўзининг муваффақиятсизлигига фақат ота-онасини сабабчи деб билади. “Ота-онам менга ёшлигимда дурустроқ эътибор бермагани учун ҳаётим барбод бўлди, агар вақтида яхши тарбия беришганда, ўқишга қизиқтиришганда бундай бўлмасди”, дея ота-онасига турли таънаю маломатлар ёғдиради.

Ота-онани сўкиш, ҳақоратлаш ва лаънатлаш.

Бу тўғридан-тўғри ўз ота-онасини сўкиш ёки уларнинг сўкилишига сабабчи бўлиш орқали содир бўлади. Масалан, киши бироннинг отаси ёки онасини сўкади, шунда ҳалиги кимса сўкканнинг ҳам ота-онасини ҳақоратлаб жавоб қайтаради. Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу ан-ху)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: “Киши ўз ота-онасини сўкиши кабира гуноҳлардандир”. Шунда “ё Расулуллоҳ, инсон ўз ота-онасини ҳам сўкар эканми?!” дейишиди. “Ҳа!” дедилар ул зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Одам яна бирисининг отасини сўкади, шунда у (отаси сўкилган киши) ҳам унинг отасини сўкади ёки кимнингдир онасини сўкади, шунда у ҳам унинг онасини сўкади” (Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Аҳмад ривояти).

Ота-онанинг обрўсини тўкиш, номларини булғаш.

Бу қотиллик ва безорилик каби оғир жиноятлар содир этиш туфайли амалга ошади. Шунингдек, ўғрилик, товламачилик, порахўрлик каби оила шаънини ерга уриб, обрўсини тўқадиган ярамас ва олчоқ ишлар билан шуғулланишда намоён бўлади. Кўпинча бундай ишларнинг оқибати қамоқ ва шармандалик билан якун топади. Бу ишлар оқибатида фарзанднинг ота-онасига оқ бўлишига заррача шубҳа йўқ. Зеро, мазкур хатти-ҳаракатлар ота-онага эл-юрт ичида иснод келтиради, покиза номларига доғ туширади. Ноқобил фарзанд қилмиши туфайли мислсиз ғам-қайғу ва шармандалик юкини кўтаради, тик бошлари умрбод эгилади. Аслида эса қобил фарзанд бўлиб, эл-юрт ичида ўзининг эзгу ишлари, ютуқ ва муваффақиятлари билан вояга етказган ота-онасига одамлардан яхши сўз, дуо ва раҳматлар келтириши, обрўларини янада юксалишига сабаб бўлиши лозим эди. Бу ота-онанинг берган яхши тарбияси, кўрсатган меҳру шафқатлари учун шукр ифодаси бўларди. Аммо, фарзанд бу йўлдан юрмай, ўзининг ножўя ишлари билан ота-онасига иснод келтирса, бу яхшиликка ёмонлик ва кўрнамаклиқдан бошқа нарса эмас. Нонкўрликнинг жазоси эса дунёю охиратда хунук хотима билан якун топади.

Ўзгалар ҳузурида мушкул ва ноқулай ҳолатга қўйиб, ота-онани хижолат чектириш.

Юқорида турли ярамас ишлар содир қилиб, ота-она шаънига доғ туширадиган, эл-юрт ол-

дида иснод келтирадиган ноқобил фарзандлар ҳақида сўз юритилди. Айни шу ишлар ота-онага оқ бўлиш жумласидан экани ҳам айтилди. Яна айрим ҳолатлар ҳам борки, уларни юқорида зикр этилган ҳолатнинг кичикроқ кўриниши деса ҳам бўлади. Бу ҳолат ота-онани айрим нотўғри ишлар билан ноқулай ҳолатга тушириб қўйишида кузатилади. Масалан, баъзилар бўлар-бўлмасга одамлардан қарз олиб юраверади. Бўйнидаги қарзи кўпайиб кетса ҳам, уни узиш тўғрисида ўйламайди. Бир кунмас бир кун ота-оналари бу ахволни кўчадан эшишиб қолишса, ёки қарз эгалари уйга тўполон қилиб келиб қолишса, кекса ота-онанинг қай ахволга тушишини бир тасаввур қилиб кўринг.

Яна баъзи фарзандлар борки, мактаб ва кўча-кўйда безорилик қилиб, кўпчиликнинг дилини хира қиласди. Ҳатто шуни деб турли идораю маҳкамаларга, тегишли жойларга чақирилган ота-она бундай фарзанднинг боридан йўғи яхши, деб ранжийди. Баъзида фарзанд бирон ножўя иш қилиб, қочиб кетган бўлса, то терговга кўриниш бергунича, ота-онасига қаттиқ малол етади. Ота-она учун бундан қаттиқ азоб, бундан оғир мусибат бўладими? Албатта, бу каби ҳолатлар ҳам ота-онага оқ бўлишнинг кўринишларидан саналади. Зеро, бу ишлардан ҳеч бир ота-она мамнун бўлмайди, билъакс фарзанд тарбиялаганига афсусланади. Бу кунимдан ўлганим яхши эди, дейди. Бундай аянчли ҳолатга тушишдан Аллоҳнинг Ўзи асрасин!

Узоқ вақт кўчада юриб, ота-онани хавотирга солиш.

Баъзи фарзандлар кечалари то алламаҳалгача кўчадан юриб, ота-онасини хавотирга қўяди. Айрим хонадонларда бундай носоғлом мухит сурункали тус олиб, фарзандлар уйга соат ўн икки, бир қилиб, кириб келади. Бу ҳолат ота-онанинг уйқусини қочириб, тинчини бузиши тайин. Бундай вақтда ота-она болалари ҳақида турли хаёлларга бориб, “Болам тинчмикан?”, “Машина уриб кетмадимикан?”, “Кўчада безориларга йўлиқиб қолган бўлса-я?” деган ёмон хаёлга боради. Бемеҳр фарзанд эса бу вақтда қайсиdir чойхонада ошна-оғайнилари билан кайф-сафо қилаётган ёки кўчада бекорчи дўстлари билан гап сотиб ўтирган бўлади. Нима бўлган тақдирда ҳам, балоғат ёшига етган фарзанд уйнинг каттаси ҳисобланади ва оиланинг бирон корига ярайдиган бўлади. Бундан ташқари, ота-онанинг қандайдир юмуши ёки ҳожати чиқиб қолса, фарзандининг хизматига эҳтиёж сезади. Агар фарзанд кўчадан бери келмаса, уларнинг хизматини ким қиласи?!

Ҳар хил талаблар билан ота-онани ма-шаққатга қўйиш.

Баъзи бир ўғил-қизларимиз тенгқурларидан ортда қолмаслик учун ота-оналаридан кўп нарса талаб қилавериб, уларни қийнаб юборишиди. Қимматбаҳо кийимлар, мобиль телефон ва ҳоказолар олиб беришларини сўраб, ҳоли-жонига кўйишмайди. Бордию ота-оналари айтганларини қилишмаса, хўмрайиб, жаҳлга ўтишади. Аразлаб

емай-ичмай, ҳатто ўқишига ҳам боришдан бош тортади. Хуллас, шундай қилсалар, ота-оналари ўз йўриғига юришга мажбур бўлишини билишади. Бироз сабр қилсалар, ота-оналари имкони бўлса, у нарсани албатта олиб беришади. Вахоланки, ота-она иқтисодий жиҳатдан қийналган бўлса, ич-ичидан эзилади. Мана шундай тарбиясиз, фақат ўзини ўйлайдиган худбин фарзандларининг талаб-истагини деб ота-она не кўйларга тушмайди, дейсиз. Ҳатто кўпроқ пул топишим керак деб ота бечора узоқ ва совуқ юртларда мусофир бўлиб, оғир ишларни қилишга мажбур бўлади. Она ҳам уй ишларини саранжом-саришта этиш ўрнига кўпроқ пул топишини ўйлайдиган бўлиб қолади. Натижада оила инқирозга учраб, болалар тарбияси бузилади.

Ўртоқларидан орқада қолмаслик ёки айрим енгилтак қизларга ёқиши учун ота-онасидан, ҳатто машина олиб беришларини ҳам талаб қиласди. Бундайлар ўзларининг барча кўнгилхушликлари учун ота-онасидан пул талаб қилишдан уялмайди. Бу йигит кишига мутлақо ярашмайди.

Фарзанд улғайиб ўзини-ўзи эплайдиган ёшга етгандан кейин унга ҳамма нарсани муҳайё этиш ота-она зиммасида эмас. Тўғри, ота-она фарзандни ёшлигида қўллаб-қувватлаб, ўқитиб, балогатга етганда уйлантириб қўйиши фарзанд ҳақларидан ҳисобланади. Аммо фарзанд ҳам ўз навбатида қўли ишга яраганда ота-онасига ёрдам бериш, оила эҳтиёжига ўз хиссасини қўшишга ҳаракат қилмоғи лозим.

Баъзи ориятли фарзандлар ота-онасига бутунлай юк бўлмаслик учун ҳам ўқиб, ҳам ишлайдилар. Ҳеч бўлмаганда ўқиш учун тўланадиган шартнома пулларининг лоақал бир қисмини бўлса ҳам ўзлари тўлашга ҳаракат қиласди. Ота-оналарининг моддий имкониятини билмасдан туриб, улардан қиммат кийимлар, уяли алоқа воситаси ва ҳоказоларни олиб беришини талаб қиласди. Балки, уларнинг ёнига кириб, имкон қадар оғирларини енгил қилишга интилиб яшайдилар. Бу қандай яхши! Қанийди ҳамма фарзандларимиз шундай бўлишса...

Хотинни ота-онадан устун қўйиши.

Баъзилар хотинига қулоқ солишини ота-онага итоат қилишдан устун қўяди. Ота-онасини бир четга суреб уларнинг эҳтиёжи билан ҳисоблашмасдан, фақат аёлига итоат қиласди, уни ота-онасидан ҳам устун қўядиган одат чиқаради. Ота-онаси буни билса ҳам, оиласи бузилмасин дея, ўзларини билмаганга олади. Мабодо аёли ота-онасини уйидан ҳайдаб юборишни талаб қиласа, ҳайдаб юборишдан ҳам тоймайди.

Айримлар қишлоқдан шаҳарга кўчиб келгандан сўнг ишлари юришиб данфиллама ҳовли-жойлар курса, унга ота-онасини олиб келиб бирга яашни ўйламайди. Чунки хотин буни истамайди. Ҳолбуки, ўз вақтида ота-онаси уни ўқитмагандан, у бундай даражага етишмаган бўларди. Лекин вақт ўтиб, у кунлар унутилгач, ота-она ҳам эсдан чиқади. Бир йилда бир марта бориб кўрса кўради, кўрмаса йўқ...

Гоҳида баъзи фарзандлар ота-онаси ҳузурида хотинига шунаقا илтифотлар кўрсатадики,

шунақа ширин муомала қиласы, ҳатто уялиб кетасиз, аммо айни вақтда ота-онасига қўрс-қўпол муомала қилишига гувоҳ бўламиз. Хотинига эмас, ота-онасига иш буюриб, уларни югуртиради. Бу мавзуга кейинроқ яна тўхталамиз...

Ота-онани кексалик чоғларида ёлғизлатиб қўйиш.

Баъзи фарзандлар улгайиб, топармон-тутармон бўлиб кетгандан сўнг ота-онасини ёлғизлатиб қўйиб, улар билан умуман иши бўлмай қолади. Ота-онани парваришилаш, вақти-вақти билан даволатиб туриш, кийим-кечаклари эскирганда янгисини олиб бериш ва ҳоказолар эсига келмайди, балки фақат ўзи билан, ўз муаммоларини ҳал қилиш, ўз шахсий эҳтиёжларини қондириш билан машғул бўлади. Бу ҳам ота-онага оқ бўлишнинг кўринишларидан яна биридир.

Ота-онадан тониш, улардан ор қилиш.

Бу ота-онага оқ бўлишнинг энг хунук ва қабиҳ кўриниши десак, хато бўлмайди. Ҳаётда шундай фарзандлар ҳам учрайдики, ўзи оддий оилада туғилиб вояга етган бўлса-да, лекин мол-давлати кўпайиб, мартабаси ошиб қолса, ота-онасидан ор қиласиган одат чиқаради. Бундай фарзандлар ота-онасининг одми юриштуриши ва сипо кийинишидан ғashi келадиган бўлиб қолади. Эҳтимол, ўз-ўзича дунёқараши тор, маданиятдан ортда қолган ота-онасидан ижирғана бошлар. Мабодо уйига янги дўстлари, ишхонасидаги ҳамкаслари келиб қолса, ота-онаси уларнинг кўзига кўринишидан қўрқади. Бордию кимдир ота-онасини кўриб қолиб,

сўраб қолгудек бўлса, “хизматкорларимиз!” деб юборишдан ҳам тоймайди.

Баъзилар турли тадбир, маросим ва ҳоказоларда ёки матбуотда ота-онасининг номи тилга олинишига тиш-тирноғи билан қаршилик қиласди. Чунки ота-онаси “ўқимаган”, оддий ишчи ёки деҳқон бўлиши мумкин. У бундан но-мус қиласди. Институтдаги ёки ишдаги, ота-оналари ҳам фарзандлари каби олий маълумотли, зиёли ва маданиятли бўлган дўстлари олдида ўзининг асл ижтимоий ҳолатини билдиргиси келмайди. Албатта, бу амал кишининг нақадар тубан, аҳмоқ ва пасткашлигидан дарак беради. Фақат разил кимсагина ота-онасидан фақатгина уларнинг оддий ва камтар юриш-туришини деб ор қиласди. Мана шундай тоифага мансуб кишилар ҳақида халқимиз: “Кўрмаганнинг кўргани қурсин!” дейди. Яна насиҳатомуз тарзда: “Ўтган кунингни унутма, эски чориғингни қуритма!” дейишади. Хуллас, олижаноб ва ориятли киши ўз келиб чиқиши, насл-насаби, ота-онасининг ижтимоий ҳолатидан асло уялмайди, балки ифтихор ҳиссини туяди. Бойиб кетгач, ижтимоий савияси қандай бўлишидан қатъи назар, ўзининг ишидай мартабага етиши учун тер тўкиб меҳнат қилган ота-онасидан воз кечмайди, уларнинг яхшилигини унутиб юбормайди. Байт:

*Олижаноб инсон агар бойлик келса,
Ноинсофлик арқонини ҳеч туттмас.
Хароб кулба ичра унга ҳамроҳ бўлган
Яқинларин эслагайдир – унумтмас.*

Ота-онага қўл қўтариш.

Бу амал меҳр-шафқат ва ҳаёдан, олижаноблик ва иззат-нафсдан бенасиб бўлган золим, тошбағир ва шарафсиз кишилардангина содир бўлади.

Ота-онани қариялар уйига олиб бориб қўйиш.

Баъзи беномус фарзандлар хотинининг айтганига кириб ёки ўз ақлсизлиги туфайли кексайиб қолган ота-онасини меҳрибонлик уйига ташлаб келади. Чунки кекса ота-онаси ширин ҳаётларига гўёки халақит беришади, келин уларнинг хизматини қилгиси келмайди ёки эрининг ота-онасини гўёки ўзига назоратчидек кўриб, ўзи истаганидек яшашни хоҳлаб қолади. Шундан кейин кекса қайнона ва қайнотасига турли-туман пасткаш қилиқлар билан тазик ўтказа бошлайди. Кўпинча бу ҳолатни фарзанд билмаслиги мумкин. Андишли, мунис ва муштипар ота-она келиннинг қилиқларини тинч бўлишсин, деб фарзандига етказмайди. Эҳтимол ҳолат шу даражага етган бўладики, айтса ҳам ҳеч нарса ўзгармайди, фарзанд ота-онасининг эмас, хотинининг сўзига кўпроқ қулоқ солади. Хотин эрига ота-онасини ёмон кўрсатиб қўйганидан аста-секин фарзанд билан ота-она ўртаси совиб боради ва фарзанд улардан қутулиш учун чорасини излашга тушади.

Ота-онасини қаровсиз ташлаб қўйиш ғоятда қабих, ниҳоятда тубан иш эканига шубҳа йўқ. Фақат абллаҳ фарзандларгина ота-оналарига шундай муомала қилишдан қўрқмайди. Бу ҳолатдан соғлом ақлли кишининг эти жунжикиб,

тепа сочи тикка бўлади. Ҳа, ўз вақтида бор-будини фарзандига бағишлаб унга қалб қўрини бериб катта қилган, ҳеч нарсадан кам қилмай камолга етказган, ўқитиб одам қилган ота-онасини қариб қолгач, ортиқча билиб, ўз уйига сиғдирмаслиги фарзанднинг оқ бўлишига кифоя этади.

Ота-онага нисбатан баҳиллик қилиш

Баъзи фарзандлар ота-онаси эҳтиёжидан ўз молини қизғанади. Лекин хотинига оғзидан чиққанини олиб беради. Аслида фарзанд ота-онаси айтса-айтмаса, уларнинг эҳтиёж ва муҳтож ҳолатларини сўраб туриши керак. Аммо шуни била туриб, молини қизғанса, бундай фарзандни қуримсоқ ва баҳил дейиш мумкин. Баъзи фарзандлар иши кўплигини рўкач қилиб, ота-онасининг эҳтиёжи бирор нарсага зориқиб қолганидан мутлақо хабар омайди. Чунки у анчадан бери ота-онасининг аҳволи билан қизиқмайдиган бўлиб қолган. Бизнингча, бунда ҳам баҳиллик, ҳам бепарволик жам бўлган. Аксарият ота-оналар фарзандларидан бирор нарсани сўрашдан уялади. Баъзан сўралса ҳам, боламни қийнаб қўймай деб, эҳтиёжини айтмайди. Бу ҳеч нарса керак эмас экан, деб ўйлашга асос бўлмаслиги керак. Кўпинча ўз аёлимиз ва болаларимизга айтганларини қийналиб бўлса ҳам, қарз олиб бўлса ҳам муҳайё қиласиз. Пулимиз бўлмаса, бир иложини топамиз. Аммо ота-оналаримизга хотин ва болача қаларимизга қилаётган инфоқ-эҳсонларимиз, сарфлаётган пулларимизнинг ўндан бирини ҳам раво кўргимиз келмайди. Ҳолбуки, биз ҳам, мол-давлатимиз ҳам аслида ота-онамизники

ҳисобланади. Зеро, Имом Аҳмад, Ибн Можа ва бошқалар ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Сен ҳам, сенинг молу давлатинг ҳам отангницидир!” деганлар. Ушбу ҳадиснинг айтилишига бир воқеа сабаб бўлган. Улуғ саҳобий Жобир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинишига кўра бир йигит Набий (алайҳиссалом) ҳузурларига отасидан шикоят қилиб келиб: “Ё Расулаллоҳ, менинг молим ва болаларим бор. Лекин отам молу дунёимни совуришни хоҳлайди”, деди. Шунда Набий (алайҳиссалом): “Албатта сен ҳам, сенинг молинг ҳам отангницидир!” дедилар. Ушбу ҳадис мазмунидан ҳам кўриниб турибдики, шикоят қилиб келган йигит бойбадавлат одам, лекин ўз отасига нисбатан баҳил. Буни, яъни унинг бадавлат эканини “менинг молим ва болаларим бор...”, деган сўзидан билиб оламиз. “Лекин отам молу дунёимни совуришни хоҳлайди” деган сўзидан эса мазкур шахснинг молини отасидан қизғаниши ва олиб ишлатишини ёқтирмаётганини тушумазиз. Шу боис отаси унинг молидан олиб ўз эҳтиёжларига ишлатса, буни молни совуриш деб атамоқда. Ҳадиснинг бошқа ривоятида келишича, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ҳалиги йигитнинг отасини чақиритириб, ўғли ундан шикоят қилаётганини айтиб, аҳволни тушунтириб беришини сўрайдилар. Ота бойбадавлат ўғлининг молидан олаётган бўлса, уни совуриш учун эмас, балки ўғлининг қийналган амма ва холалари учун бормоқчи эканини маълум қиласи. Шунда Набий (алайҳиссалом) шикоят

қилиб келган йигитга: “Албатта сен ҳам, сенинг молинг ҳам отангникидир!”, дейдилар.

Ота-онага қилган яхшилигини миннат қилиш.

Баъзи фарзандлар ота-онасига яхшилик қилиши, хайр-саҳоват ва мурувват кўрсатиши мумкин, аммо қилган яхшиликларини миннат ёки азият етказиш орқали тезда кетказади, қилган ишларини юзларига солиб, миннат қиласди. Бу ҳам ота-онага оқ бўлиш жумласига киради. Умуман олганда, нафақат ота-онага, балки ҳар қандай инсонга нисбатан яхшиликни миннат қилиш қораланади.

Миннатчилик ёмон хулқлар сирасига киради. Бинобарин, яхшиликни миннат қилган киши унинг савобидан маҳрум бўлади, балки ўзига гуноҳ ҳам орттиради. Энди бу иш ота-онага нисбатан содир қилинса, гуноҳкорлик даражаси янада ортади.

Аллоҳ таоло миннатдан қайтариб, бундай марҳамат қиласди: «**Эй имон келтирганлар!** Молини одамлар кўрсин деб берадиган, Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган кимсага ўхшаб, (берган) садақаларингизни миннат ва озор билан йўққа чиқарманг! (Уриёкор амалининг) мисоли устини тупроқ қоплаган силлиқ қояга ўхшайдики, устига жала ёққанда (тупроқ ювилиб,) **сип-силлик қоянинг ўзини қолдиради.** (Ана шундай) Улар топган (ва сарфлаган) бойликларидан ҳеч нарсага (ҳеч қандай ажрга) эга бўлолмайдилар. Зотан, **Аллоҳ коғирлар қавмини хидоят қилмагай**» (*Бақара сураси, 264-оят*).

Ота-онадан ўғирлаш.

Баъзи фарзандлар бирор нарсага муҳтож бўлиб қолса, ота-онасининг ҳамёнидан ўғирлаб ўзига ишлатади. Айниқса, гиёҳвандлик, қиморбозликка ружу қўйган фарзандлар ўз ота-онасининг мулкини ўғирлашдан ҳам тоймайди. Бу иш икки гуноҳни ва икки ҳаром ишни ўзида мужассам қилган: ўғирлик ва ота-онага оқ бўлиш. Мазкур иш ўғирлик экани жиҳатидан ҳаром бўлса, ота-онага нисбатан амалга оширилаётгани учун уларга оқ бўлиш сирасига киради. Демак, ота-онасининг мулкини ўғирлайдиган фарзанд бир йўла икки ҳаром ишга қўл урган бўлади. Баъзилар ота-онасидан ошкора ўғирламаса-да, мулклари ни совуради. Масалан, кўчада безорилик қилиб катта пулга тушириш, жиноятни содир қилиб ота-онасининг жаримага тортилишига сабаб бўлади. Яна бири катта қарз олиб, уни узишни хаёлига келтирмайди. Қарз эгаси қарзини сўраб келгандан сўнг ота-она фарзандининг олган қарзини тўлаб юборади. Бунаقا ҳолатда ота-она нафақат катта пулга тушади, балки эл-юрт, кўни-қўшнилар олдида шарманда бўлади. Шундайлар ҳам учраб турадики, хийла ишлатиб, турли йўллар орқали ота-онасидан қарз олади ва уни қайтариш ниятида бўлмагани учун қайтаришни ўйламайди. Қариндош-уруғи ўртага тушса, гўрларига орқалаб кетадими, деб рад этади. Айтиш жоизки, ҳеч қандай баҳона ота-онаси мулкидан ўғринча олишини оқламайди. Ориятли киши кекса ота-онасининг молига кўз олайтириш ўрнига, ҳалол меҳнати орқали топган пулидан уларга

бериб дуосини олади. Агар зарурат юзага келиб, фарзанд чиндан ҳам пулга муҳтоҷ бўлиб қолса, ўғирлик йўлига ўтмай ота-онадан ошкора сўраши ва илтимос қилиб олиши лозим. Бизнингча, ҳар қандай ота-она бу ҳолатда ўз фарзандини қўллаб юборса керак.

Ота-она олдида инграб касал бўлганини, бирон жойи оғриётганини сездириш, оҳу воҳқилиш.

Бу ота-онага оқ бўлишнинг махфий ва пинҳона кўринишларидан бири хисобланади. Негаки, ота-она фарзандига етувчи мусибат, алам ва оғриқ туфайли қаттиқ изтироб чекиб, хавотирга тушади. Фарзанди дард чекса, ота-она ҳам дард чекади, балки фарзанддан қўпроқ оғрийдилар, ташвишланадилар.

Ота-она рухсати ёки зарурат бўлмаса ёт ўлкаларга кетиб қолиш.

Баъзи фарзандлар ота-онасидан узоқлашишнинг салбий оқибатлари ҳақида ўйлаб кўрмасдан чет элларга кетиб қоладилар. “Мен кетсам, ким ота-онамга қарайди?”, “Ким хизматларини қиласди?” деган фикрга бормайди. Ўзга юртга кетиш учун лоақал ота-онаси олдидан ўтиб, розиликларини ҳам олмайди. Баъзида фарзандлар зарурат бўлмаса-да, қўпроқ пул топаман, ўқишига кираман, дея кекса ота-оналарини ташлаб кетадилар. Ҳолбуки, фарзанднинг бундай қилиши ота-онасини хавотирга солиб, фарзанд доғида ҳасрат чекишига сабаб бўлади. Ўз ихтиёри билан узоқча кетган киши мусофиричиликда юрганида ота-онаси оламдан ўтиб қолса, у

ота-она хизматини қила олмай, даволатиб, дуоларини ололмаганидан афсус-надомат чекади. Шундай экан, иш ёки ўқиши учун ўзга юртга узоқ вақтга кетадиган фарзанд ота-онанинг розилигини олиши лозим. Агар иссиқ-совуғига қараб турадиган бошқа ака-ука ва яқин қариндошлар бўлмаса, уларни ташлаб кетиш мутлақо мумкин эмас. Аммо фарзанд ўзга юртга кетмаслик иложини топмаса, ота-онасидан рухсат олиб, сафарга кетишнинг зарари йўқ.

Ота-онага ўлим тилаш.

Баъзи нобакор фарзандлар ота-онасининг тезроқ ўлиб, нариги дунёга кетишини орзу қиласди. Бунинг турли сабаблари бўлиши мумкин. Масалан, ота-онаси бой-бадавлат бўлишса, молмулкига тезроқ эга бўлиш учун шундай орзуга борилади, ҳатто ошкора айтиш даражасига етиб боради. Бу ҳам пасткашликтининг бир туридир. Зеро, мард киши ота-онасининг мулкига кўз олайтирмайди, ўз пешона тери билан топган молига суюниб иш тутади. Баъзилар касалманд, камбағал ёки қариб-қартайиб қолган ота-онаси хизматини ўзига оғир олиб тезроқ улардан қутулишни ўйлади. Яна бир тоифа ноқобил фарзандлар ҳам борки, ота-онасининг хатти-ҳаракатларини тергаб туришини ёқтирмайди. Айниқса, ўш йигит-қизлар нима қилаётгани, қаерга бориб, қаердан келаётгани ҳақида сўраган ота-онасига ўқраяди, ҳалиям ўш бола кўрасизми, деб норозилигини очиқча билдиради. Саёқ ва бебош юришига халақит берадиган ота-онасининг тезроқ ўлишини тенқурларига билдиради.

Ота-онани ўлдириш.

Бу сўздан соғлом табиатли кишининг қалби ларзага тушиб, тепа сочи тикка бўлиб: “Хеч замонда инсон ўз ота-онасини ўлдираканми?” деган ҳайқириқ бўғзидан отилиб чиқади. Ахир инсон ўзини бу дунёга келтирган, гўдаклик вақтидан оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган меҳр-муҳаббатини аямасдан асраб-авайлаб, касал бўлса узоқ яшасин, деб молию жонидан кечадиган ота-она тўғрисида шундай худбин ўйга бориш мумкинми?! Наҳотки, одамзот шу қадар пасткашлик қилса, ўз ота-онасининг ҳаётига зомин бўлса?! Ҳа, бу қанчалар аччиқ ва мудҳиши бўлмасин, нобакор фарзанд шундай қотиллик қилишдан қўрқмайди. Залолат кўчасига кирган бадбаҳт фарзанд ғазаби қайнаб турган пайтда, маст ҳолатда ёки меросга кўз олайтириб, шундай машъум жиноятга қўл уради ва умрбод падаркуш деган тамғани кўтариб юради. Бу қандай юзқоралик, бу қандай шармандалик!.. Агар Аллоҳнинг Ўзи раҳматига олмаса, бундай кимсанинг оқибати ҳам нақадар аянчли!..

ОҚПАДАРЛАР ҚИССАЛАРИДАН НАМУНАЛАР

1. Асмаъий (раҳимаҳуллоҳ) ёзади: “Араблардан бири менга ҳикоя қилишича, Абдулмалик ибн Марвон ҳукмронлиги даврида Мунозил деган бир йигит кекса отасига оқ бўлганлардан эди. У отасига кўп озор берарди. Оқпадар йигитнинг зулми ҳаддан ошиб, пичоқ сүякка етгач, отаси

йиғлаб мана бу сўзларни хиргойи қилиб юрадиган бўлиб қолди:

*Мунозилга кўрсатгандим лутфу шафқат,
Унинг учун раҳм этмоққа топиб фурсат.*

*Улғайганда бўлиб йигит бўйи баланд –
Туяларнинг ўркачилик. Кучли гарчанд*

*Зулм бирла олиб қўйди молимни у,
Кучи бирла қайирмишдир қўлимни у.*

*Буюк, ғолиб Аллоҳ, унинг қўлин қайир!
Молу мулку топганидан уни айир!*

*Қилгайдирман уни шундай дуоибад,
Ундан Район тоғи бағрин ўйтар албат.*

Бу воқеа шаҳар ҳокимининг қулоғигача етиб боради. Ҳоким оқпадар йигитни тутиб жазолаш учун унинг уйига ўз навкарларини жўнатади. Бироқ навкарлар келаётганидан хабар топган қария тезда уйига кириб, ўғлига “орқа эшикдан чиқиб кет!” дея уйдан қочириб юборади. Навкарлар уйга келишганда йигит уйда йўқ эди. Шу тариқа у жазодан қутулиб қолади.

Йиллар ўтиб, у ҳам кексайиб, умри охирлаб қолган бир паллада ўғли унга оқпадар бўлади. Энди ўғли унга бир вақтлар отасига етказган азиятларидан ортиқроқ ва ёмонроқ азият бера бошлади. Ўғилнинг исми Халиж эди. Охири, Мунозил ҳам худди марҳум отаси каби ҳасратидан чанг чиққанча, золим ўғлининг бераётган

азоблари ҳақидаги қуийдаги ҳазин ва шикоятомуз мисраларни хиргойи қилиб юрадиган бўлди:

*Халиж менга зулм айлади, молим олди,
Қоматим дол дамда менга у оқ бўлди.*

*Ҳаммадан ҳам уни афзал билган эдим,
Кексайсам у раҳму шафқат этар дедим.*

*Минг афсуски, кўп кўрсатди у азият,
Зулми ҳадсиз, лек сира ҳам қилмас шафқат.*

*Қасам бўлсин – туғилганда эдим хурсанд,
Улғайтирдим айлаб уни жонга пайванд.*

*Меҳнатимнинг мукофоти шу бўлса гар,
Қувонмасин энди ўғил ким кўрса гар.*

Золим фарзанднинг жафоси ҳақидаги бу ҳазин байтлар ўша вақтдаги шаҳар волийсининг қулоғига етиб борди. Волий дарғазаб бўлиб, Мунозилнинг ўғли Халижни туттириб келади ва уни жазо тариқасида дарраламоқчи бўлади. Шунда оқпадар бола волийга юзланиб: “Тақсир, мени жазолашга шошилманг. Сиз ҳимоя қилаётган бу одам Мунозил ибн Фаръон бўлади, ўз вақтида отаси у тўғрида мана бу байтларни айтган эди”, деди ва бобосининг мазкур байтларини ўқиб берди: “Мен билан Мунозил ўртасидаги раҳм ўз ҳақини худди қарз эгаси қарзини тўлиқ ундириб олгани каби тўлиқ ундириб олди...”

Волий бу шеърни эшитгач, Халижнинг отаси Мунозилга юзланиб: “Эй сен, ўзинг отангга оқ

бўлган экансан, шунинг учун боланг ҳам сенга оқ бўлибди”, деди.

Қайтар дунё деб шуни айтадилар. Мунозил ўз вақтида отаси Фаръонга оқ бўлиб, кўп азият етказган эди, орадан кўп вақт ўтмай унинг ўғли Халиж ҳам отасига оқпадар бўлди ва унга у бобосига берган жафосидан ортиқроқ азият берди. Демак, ота-онасига оқ бўлган кимса, албатта, ўз фарзандларидан айни муомалага дуч келар экан. Бу илохий суннат. Ким ота-онасига қандай муомала қилган бўлса, худди шундай, балки баттарроқ муомалани фарзандларидан топади. Айтганларидек, жазо амалнинг жинсидан бўлади. Фарзандаримиз кексайиб, кучдан қолган вақтимизда бизларга оқ бўлишини истамасак, ота-оналаримиз хурматини жойига қўяйлик, уларнинг қадрига етиб, яхши сўзимизни, ширин муомаламизни дариф тутмайлик. Ўйлаймизки, бу сўзлар кўпчилигимизни сергакликка чорлаб, ота-оналаримизга нисбатан янада яхшироқ ва гўзалроқ муомалада бўлишга ундаиди.

2. Фарзандидан жафо кўрган мазлум оталардан яна бири айтади:

*Гўдакликдан то йигитсан – боқиб келдим,
Кўз қувончим, дея сенга боқиб келдим.*

*Неки топдим – энг яхисин тақдим этдим,
Болам ўсиб, фақат кучли бўлсин дедим.*

*Бемор бўлсанг, тунлари на уйқум бўлмиш,
Сен эмасу, гўё оғриқ менга тўлмиш.*

Қайғу ила кўзларимдан ёш оқарди,
Сени ўйлаб хавотирда қалб қўрқарди.

Бу ишларни қилдим токи омон бўл деб,
Ҳаёт ичра роҳат кўру ўйнаб кул деб.

Улғайганда мен кутгандек топдинг мақом,
Лек тутганинг қўполликлар бўлди мудом.

Гўёки мен боқмаганман сени бир бор,
Боқиб катта қилган сенсан мени зинҳор.

Кўрсликларинг юрагимни тифдек тилар,
Хурматинг йўқ менга, ҳатто қўшини қадар!

Ҳеч бўлмаса қўшини каби бўлсанг эдинг,
Қўшнинг каби эҳтиромим қилсанг эдинг.

Топганимни тортиб олдинг барини сен,
Қўшини бўлсанг, балки бундай қилмасмидинг!

3. Доктор Муҳаммад Лутфий Саббоғ “Назарот фил усратил муслима” китобида: “Пасткаш фарзандлардан бири мен билан хотинимни безовта қилмасин, дея отасини қариялар уйига ташлаб келганини эшиздим”, дея ҳайрат ва таассуф билан ёзади. Ҳолбуки, бу ҳолат ҳозирда унчалик ажабланарли бўлмай қолди. Чунки қариганда ота-онасини ўз ҳолига ташлаб қўйиш ёки қариялар уйига олиб бориб қўйиш борган сари одат тусига кириб бормоқда. Лекин бу ерда гап фақат қариялар уйига олиб боришнинг ўзида ҳам эмас. Баъзилар ору ғурури йўл қўймагани

учун ота-онасини қариялар уйига олиб бормасада, аммо уйда кўнгил сўраб, ҳолидан яхши хабар олмайди. Кўпинча, уй бандиси бўлиб қолган қари ота-она пасткаш келиннинг заҳар муомаласи, ейиш-ичишидан яхши хабар олмаслиги каби хўрликларига чидаб, дардларини ичига ютиб азоб чекадилар. Бепарво ўғил эса буни сезмайди ҳам. Эҳтимол, ана шундай ҳолатда мазлум ота-она учун қариялар уйи ҳам афзалмикан, деган фикрга борасан киши.

4. Устоз Абдурауф Ҳановий (раҳимаҳуллоҳ) ҳикоя қиласи:

“Менинг бир қариндошим бор эди. Унга отасидан анча пул, тилла ва турар-жойлар мерос қолган эди. У – моҳир савдогар ҳам эди. Кунларнинг бирида онаси ундан аччиқланиб, қаттиқ дуоибад қилди. Кўп ўтмай у одам ҳар тарафдан кўнгилсизликларга йўлиқди. Охири, фақирликда ҳаётдан кўз юмди. Ҳолбуки, у на ҳаром ишларни қилар ва на фаҳш йўлларга юрар эди. Отам раҳматлик унга хайр-эҳсон қилиб турар ва унинг оиласига мен орқали егулик ва таомлар юбориб турар эди” (Ҳанавий “Биррул-волидайн” 135-бет).

ОҚ БЎЛИШ САБАБЛАРИ

Ота-онага оқ бўлишнинг сабаблари жуда кўп бўлиб, уларнинг баъзилари ҳақида қўйида қисқача тўхталмоқчимиз.

1. Жаҳолат.

Жаҳолат – билимсизлик шундай бир қаттол дардки, у ўз соҳибини ҳалокат сари бошлайди.

Жоҳил кимса биринчи галда ўзининг душмани бўлади. Чунки у нима фойдаю нима зарарлигини билмайди. Оқни қорадан, қорани оқдан ажратолмайди.

Инсон ота-онага оқ бўлишнинг эрта ёки кеч келадиган салбий оқибатларидан бехабар бўлса ёхуд ота-онага яхшилик қилишнинг эрта ёки кеч келадиган самараларидан ғофил бўлса, бу ҳолат охир-оқибатда уни ота-онага оқ бўлишга йўлиқтириб, уларга эзгулик қилишдан буриб юборади.

2. Ёмон тарбия.

Агар ота-она фарзандларини тақво, эзгулик, ота-онани ҳурматлаш, қариндош-уругчилик ришталарини боғлаш каби олижаноб фазилатлар асосида тарбия қилмаса, келажакда эл-юртга хизмат қилиш, ватанга фойда келтириш, илм-фан ва санъат ривожига ҳисса қўшиш каби буюк ишлар орзусида вояга етказмаса, ота-онага яхшилик қилувчи, қобил инсонлар бўлиб етишишларини кутиш амримаҳол.

3. Сўз ва амалнинг бир-бирига тўғри келмаслиги.

Болаларга яхши тарбия беришдаги энг муҳим нуқта бу ота-онанинг фарзанддан талаб қилаётган фазилатларида, аввало, ўzlари ўrnak ва ибрат бўлишларидир. Агар фарзандга ўргатиб, ундан талаб қилаётган ишларига биринчи навбатда ўzlари риоя этмаса, тарбиявий ўйтитлар ҳеч қандай ижобий натижа бермайди. Насиҳатлар зое кетади. Оқибатда фарзанд ота-онасига итоатсиз бўлиб, уларга оқ бўлишгача боради. Байт:

Сен сингари кимдир юрса бирор йўлдан
Хафа бўлма, ранжимагин, эй биродар.
Бу ҳаётда бир одатга рози бўлган
Ўша йўлдан энг аввало ўзи ўтар.

4. Ёмон тенгқурлар.

Ота-она фарзандларига тарбия беришда кимлар билан дўст ва улфат бўлаётганига, кимлар билан бирга юриб, бирга тураётганига жиддий эътибор бериши лозим. Зеро, ёмон дўстлар боланинг маънавий ва ахлоқий жиҳатдан бузилишининг асосий омилларидан бўлиб, биринчи навбатда фарзандни ота-онасига оқ бўлишга, ҳурматсизлик билан муомала қилишга олиб боради. Боз устига, бу ҳолатда ота-онанинг болага берадиган тарбиясининг таъсири жуда кам ва бесамар бўлади, улар бундан кўп озор чекадилар. Чунки бола кўпроқ атрофидаги дўстларидан ўrnак олади.

5. Ота-оналарнинг ўз ота-оналарига оқ бўлишлари.

Бу ҳам фарзандларнинг ота-онага оқ бўлишларини келтириб чиқарувчи асосий сабаблардан биридир. Агар ота-онанинг ўзи ҳам вақтида ота-оналарига оқ бўлган бўлишса, кўпинча ўз фарзандлари томонидан шундай муомалани кўрадилар. Бунинг иккита сабаби бор. Биринчидан, болалар кўп нарсада ўзидан катталарга эргашиб, улардан ибрат оладилар. Агар бола ота-онасини ўз ота-онаси, яъни унинг бобо ва момосига қўпол ва нотўғри муомала қилаётганини кўриб улғайса, бу ҳолат ота-онага нисбатан ҳайбат ва ҳурматни заифлаштириб

кўяди. Унинг онгида ота-онага бетакаллуп ва кўпол муюомала қилиш оддий ва меъёрий ҳолга айланади. Иккинчидан, жазо амалнинг жинсидан бўлади, деган гап бор. Инсон нимани экса, шуни ўради. Бу Аллоҳнинг қонуни.

6. Ажрашиш вақтида Аллоҳдан қўрқмаслик.

Баъзи ота-оналар ўрталарига талоқ тушиб ажрашиб кетсалар, бу борада Аллоҳ белгилаган ҳадчегараларга риоя қилмасликлари боис яхшилик билан ажрашмайдилар. Балки собиқ эр-хотин ва оила аъзолари ўртасида қаттиқ адоват пайдо бўлиб, бир умрга юзкўрмас бўлиб кетадилар. Шундан кейин ота-онанинг ҳар бири болаларни бир-бирига қарши гиж-гижлаш пайида бўлади. Она болаларига илож қадар отасини ёмон ва золим қилиб кўрсатади. Болаларини истаган вақтида кўришга йўл қўймайди ва бир-биридан узоқлаштиришга жон-жаҳди билан тиришади. Болаларни оталари билан алоқани узишга чақиради. Ота ҳам ўз навбатида болаларига онасини ёмонотлик қилиб кўрсатади. Натижада болалар отага ҳам, онага ҳам оқ бўладилар. Бунга сабаб эса ота-онанинг ўзларидир.

7. Фарзандлар орасини ажратиш.

Мехр беришда болаларни ажратиб, бирига яхши, бошқасига ёмон муюомала қилиш улар орасида адovat юзага келтириш билан бир қаторда ота-онага нисбатан қалбларида ғазаб ва нафрат уйғотади. Натижада, вақти келиб ўзига ноҳақ муюомала қилинган фарзанд ота-онасига оқ бўлиши мумкин.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) болалар ўртасида адолат қилишга чақиргандар. Ҳадиси шарифда “Аллоҳдан қўрқинг ва болаларингиз ўртасида адолат қилинг!”, дейилган (*Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти*).

Шунга кўра, инсон болаларига бирдек муомала қилиши керак. Ҳадя бериш, яхши гапириш, кийим-кечак олиб бериш, сайрга олиб чиқиш, ўйнатиш кабиларда ҳам имкон қадар болаларни тенг кўрмоқ лозим. Акс ҳолда, аввало, адолатга риоя қилмагани учун ота-она гуноҳкор бўлади. Қолаверса, болалар бир-бирига душман бўлиб улғаяди ва ота-оналарига нисбатан қалбларида норозилик вужудга келади.

“Саҳиҳи Муслим”да келишича, Нўъмон ибн Башир деган саҳобийнинг отаси Нўъмонни Расулуллоҳ хузурига олиб бориб, “Эй Аллоҳнинг Расули, мен мана бу ўғлимга бир ғуломимни (қулимни) тухфа қилдим”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳамма болангга шундай нарса тухфа қилганмисан?” деб сўрадилар. У “Йўқ!” деди. Шунда у зот: “Ундей бўлса, боргинда (берган тухфангни) қайтариб ол!” дедилар. Бошқа бир ривоятда эса: “У ҳолда мени гувоҳ қилмагин! Зоро, мен зулмга гувоҳ бўлмагайман!” дедилар. Яна бир ривоятда: “Бу ишингга мендан бошқасини гувоҳ қил!” деганлари келтирилади. Ушбу ҳадисда Набий (алайҳиссалом) ҳадя беришда болаларни тенг кўрмасликни зулм деб атамоқдалар. Шу боис ҳам Имом Аҳмад, Мужоҳид, Суфён Саврий, Исҳоқ ибн Роҳавейҳ ва Довудга кўра, болаларнинг

бирига совға бериб, бошқасига бермаслик ҳаром саналади. Имом Абу Ҳанифа, Имом Молик ва Имом Шофиъийларга кўра эса бу иш макрух, яъни кариҳ кўрилган, номақбул бўлган иш ҳисобланади.

8. Роҳат-фароғатли ҳаётни устун қўйиш.

Ҳаётда шундай фарзандлар ҳам борки, ота-оналари кексайиб, қасалмандликлари туфайли эътиборга муҳтож бўлиб қолсалар, уларни ўzlари учун оғир юқдек кўрадилар. Кейин ё қариялар уйига олиб бориб қўйиш ёхуд уларни ўша уйда қолдириб, бошқа уйга кўчиб ўтиш орқали ота-онадан қутулиш пайида бўладилар. Шу тариқа ўzlари бемалол, роҳатда яшашни истайдилар. Қанийди, шундай фарзандлар ҳақиқий роҳат ота-онанинг олдидан кетмасдан, уларга яхшилик қилишда эканини билсалар эди.

9. Инжиқлик ва ўта талабчанлик.

Баъзи фарзандлар юраги тор, майдакаш ва ўта инжиқ бўлади. Қандайдир пиёла синиб қолса ёхуд уй жиҳозларидан бирортасига озгина зарар етказилса, дарров қаҳр-ғазабга тўлиб, уйни бошларига кўтаради. Салгина нарсага бақирчақир қилиб ҳамма ёқни остин-устун қилиб юборади. Бу ҳам ота-онанинг тинчини бузиб, қалбини безовта қиласди. Гоҳо эса фарзанд ота-онасининг қайсиидир феъли ёқмаса ёки ота-онаси қўполроқ инсонлар бўлишса, уларни менсимай қўяди, беписанд ва бетакаллуф муомала қиласди. Бирор иш буюришса, бажармайди, насиҳат қиласалар, бурнини жийиради ва ҳоказо. Бу ҳам ота-онага нисбатан беҳурматлик ва

оқпадарликнинг бир шакли. Зеро, ота-онанинг феъли яхши ёки ёмонлигидан қатъи назар фарзанд уларни эҳтиром қилиши ва улар билан яхшиликда умргузаронлик қилмоғи лозим. Бу унинг зиммасидаги фарздир.

10. Фарзандларга ота-онага яхшилик қилишларида ёрдам бермаслик.

Баъзи ота-оналар фарзандларининг яхшилик қилишларига ёрдам бермайдилар. Агар улар ота-оналарига яхшилик қилсалар, яхши сўз ва дуо билан рағбатлантирмайдилар. Аксинча, баъзидаги фарзанд отасига яқинлашиб, унга илтифот кўрсатмоқчи бўлганда ота бу яхшиликни қўппол муомала билан қаршилаши ҳам кузатилиб туради. Бу иш болани отадан совутиб қўйиши мумкин. Албатта, ота-онага қилишимиз лозим бўлган ҳақлар бениҳоя қўп. Уларни адо этиш ҳар биримизнинг бурчимиз ҳисобланади. Бироқ фарзандлар ота-оналари тарафидан кўмак, тарғиб ва дуони кўрмас экан, сустлашиб, ота-онага яхшилик қилишни тарқ қилишлари ёки энг камидаги ишга эътиборсиз бўлиб қолишлари мумкин.

11. Ёмон хулқли келин.

Гоҳо фарзанд тақдирига на Аллоҳдан қўрқадиган, на бандасидан уяладиган, на ўзгаларнинг ҳақ-хуқуқларига риоя этадиган бадхулқ ва ноқобил хотин битади. Бундай хотин эр томогига тиқилган суюқдек азоб беради. Уни на ютиб юбора олади, на туфлаб ташлай билади. Бундай ноинсоғ хотин эрини ота-онасига нисбатан яхшилик қилишга ундаш у ёқда турсин, ҳар доим уларга қарши гиж-гижлайди, минг бир ҳийлаю найранг билан эрининг бор эътиборини фақат

ўзига қаратиб, ота-онасига бепарво қилиб қўяди. Эрига ёлғиз ўзи эга чиқиш учун уни ота-онасига қарши қилиб қўяди, уларга қилаётган эҳсон ва яхшиликларини тўхтатиб қўяди, ҳатто ота-онасини ўзидан узоқлаштириш учун қариялар уйига олиб бориб қўйишга мажбурлайди. Бундай хотиндан Аллоҳнинг Ўзи паноҳ берсин!

12. Ота-онанинг дардини тушунмаслик.

Фарзанд ўзи ота-она бўлмагунча ота-она дардини, ғам-ташвишию кўнгил истакларини қалбida тўла ҳис қила олмайди, дейишади. Бу рост. Баъзи бир ҳали ота-она бўлиб кўрмаган ўғил-қизлар ота-оналарига умуман бепарво бўлишади. Бу ҳолат уйга жуда кеч қайтиб, ота-онасини зориқтириб, хавотирга солиш ёки узоқ вақт уйга келмаслик, ота-онасини ўйламасдан йиллаб бошқа юртларда юриш ёхуд уларга қўрс-қўпол муомала қилиш каби ишларда кузатилади. Ота-онанинг “уйга вақтлироқ келгин, болам!”, “кеч юрмагин!” каби ёлворишларини бундай болалар инобатга олмасликларидан ташқари, уни ўз эрки-ихтиёрларини чеклаш сифатида баҳолайдилар. Бунга қўшимча равишда “Мен сизларга ёш бола эмасман, хўпми！”, “Мени тинч қўйинглар！” каби сўзлар билан жеркиб ҳам берадилар.

* * *

Юқорида фарзанд зиммасидаги ота-онанинг ҳақлари улуғлиги, уларга яхшилик қилишга чақирилгани, ёмонлик қилишдан қаттиқ қайтарилганини кўриб чиқдик. Шунингдек, ота-онасига оқ бўлганлар ҳақида ибратли ҳикоя ва

қиссаларни келтириб оқ бўлиш сабабларига баҳоли қудрат тўхталдик.

Шундай экан, ақлли фарзанд ота-онасига доим чиройли муомала қилиши, дилларини оғритишдан ўта эҳтиёт бўлиши лозим. Аллоҳ даргоҳида улуғ савобларга эга бўлиш, дунё ва охиратда У Зотнинг қаттиқ азобидан сақланиш учун фарзанд ота-онасига яхшилик қилишни тарк этиш яхши оқибатларга олиб бормайди.

Хўш, у ҳолда ота-онага қандай яхшилик қилинади? Ота-онага муомала қилиш одоблари нималардан иборат? Уларга яхшилик қилишга ундовчи қандай омиллар мавжуд, деган саволларга шундай жавоб берилади.

ОТА-ОНАГА ЯХШИЛИК ҚИЛИШ ТАЪРИФИ

Ота-онага яхшилик қилиш араб тилида “бир-рул волидайн” дейилади. Бу сўз “оқ бўлиш”нинг зидди ҳисобланади. Умуман олганда, “бирр” сўзи “яхшилик”, “эзгулик” маъносига эга. “Аброр” деганда “яхши кишилар” назарда тутилади. Ибн Умар (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинишича, ота-оналарига яхшилик қилганлари боис Аллоҳ таоло уларни “аброр”, деб атаган.

Хабарда айтилади: Эй фарзанд! Сенинг отанг устида ҳақинг бўлганидек, отангнинг ҳам устингда ҳақлари бор. Шуни унутма!

ОТА-ОНАГА МУОМАЛА ҚИЛИШ ОДОБИ

Биз ота-онамизнинг ҳақларини адо этиш, гарданимиздаги фарзандлик вазифасини бажариш учун, Парвардигоримиз розилигини топиб, қалбимиз очилиши, ҳаётимиз мазмунмоҳият ила тўлиши, ишларимиз ўнгидан келиб, умримизга файз-барака кириши учун, мазмунли ҳаёт кечиришимиз учун баъзи одобларга амал қилишимиз шарт. Жумладан:

1. Ота-онага итоат этиш, уларнинг айтганидан бўйин товламаслик. Ҳар бир фарзанд ота-онаси айтганларини бошқаларницидан устун қўйиши лозим. Агар Аллоҳ ва Расули амрига зид бўлмаса, уларнинг барча истаклари бажо келтирилади.
2. Ота-онага сўзи, амали ва бошқа жиҳатлар ила яхшилик қилиш.
3. Ота-она олдида ўзини хокисор тутиш, уларга нисбатан камтар ва мулоим бўлиш.
4. Ота-онани жеркимаслик, уларга чиройли муомала қилиш, жаҳлини чиқариш ва овозини кўтаришдан тийилиш.
5. Улар гапирган вақтларда бутун вужуди билан тинглаш, сўзларини бўлмаслик, айтганларини ёлғонга чиқариш ва сўзларини қайтаришдан ҳазир бўлиш.
6. Ота-она буюрган ишлардан хурсанд бўлиш, уларнинг амрини бажо келтиришдан оғринмаслик.
7. Ота-онага лутф-карам кўрсатиш, очиқ чехра билан юзланиш, ота-онаси қошида қовоғини уймаслик, қошини чимирмаслик.

8. Ота-онасини яхши кўриш: уларга биринчи бўлиб салом бериш, қўллари ва бошларидан ўпиш, уйнинг тўрига ўтқазиш, хурмат бажо келтириш, ота-онасидан олдин таомга қўл узатмаслик, кундуз куни ортларидан юриш. Агар тунда ота-онаси билан кетаётган ва кўча нотекис бўлса, олдинга ўтиб, ота-онасига йўл бошлиши жоиз.

9. Ота-онаси олдида хурмат билан ўтиради, уларга оёқ узатиб ўтирмайди, олдиларида овози борича қаҳқаҳа отиб кулмайди, ота-онаси ҳузурида ёнбошлаб ётмайди, авратини очмайди, номаъқул ишларни қилмайди.

10. Ота-онасига қилган хизматларини, берган совға-саломларини миннат қилмаслик. Сабаби миннат билан қилинган барча эзгу амаллар савоби ювилиб кетади. Миннат энг хунук иш саналади. Айниқса, ота-онасига миннат қилиш номақбул амаллардандир. Аслида фарзанд ота-онаси учун борини бериши, ўзини улар олдида камтар тутиши, уларнинг ҳақларини тўкис адо этолмаётганини унутмаслиги керак.

11. Она ҳақини отаникидан юқори қўйиш. Шундан келиб чиқиб, онасига кўпроқ яхшилик қиласди, унга мулойим муносабатда бўлади. Сабаби Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинишича, бир киши Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб: “Эй, Аллоҳнинг Расули! Одамлар ичидаги менинг чиройли муомала қилишимга ким энг ҳақли?” деб сўради. У зот: “Онанг”, деб жавоб бердилар. Ҳалиги одам: “Кейин ким?” деди. У зот яна: “Онанг”, деб жавоб қайтардилар. Учинчи бор: “Кейин кимга чиройли муомала қилай?” деб сўраганида ҳам:

“Онангга”, деган жавобни олди. Тўртинчи сафар: “Отангга”, дедилар Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) (*Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти*).

Ибн Баттол бу хадис шарҳида: “Она қийналиб фарзандини тўққиз ой қорнида кўтариб юради. Кейин минг мاشаққат билан уни дунёга келтиради. Шундан кейин қўкрагини тутиб, икки йил давомида тунлари бедор бўлиб боласини эмизади. Бу борада онага ҳеч ким шерик бўлолмайди. Ота факат фарзанд тарбиясида онага ёрдамлашади”, деган (“Фатҳул борий”).

12. Ота-она бирон юмуш билан банд бўлганида, уларга ёрдамлашиш. Ота-она бир иш қилиб турганида фарзанд индамай қараб туриши тўғри эмас.

13. Ота-онани безовта қилмаслик. Айниқса, улар дам олаётган вақтда эътиборлироқ бўлиш, шовқин-сурон солмаслик, овозини кўтармаслик, ота-онани хавортирга соладиган, ғамга ботирадиган хабарларни айтмаслик ва ҳоказо.

14. Ота-она олдида жанжаллашмаслик, тўполнон қилмаслик. Бу ака-ука ва аҳли оилалари билан бўладиган муаммоларни уларнинг кўзидан йироқ жойларда ҳал қилиш билан бўлади.

15. Киши бирон иш билан машғул бўлса-бўлмаса ҳар қандай ҳолатда ота-онаси чақириғига лаббай, деб жавоб беради. Баъзи одамлар бирон иш билан банд бўлганида ота-онаси чақириб қолса, ўзини эшитмаганга олади. Агар бўш вақтида чақирса, ўшанда жавоб беради. Бу жуда ҳам нотўғри иш.

16. Болаларни ота-онага яхшилик қилишга ўргатиб бориш керак. Бунда ота-онанинг ўзи уларга ўрнак бўлади, фарзандлари билан ота-онаси ўртасидаги, яъни набира ва бобо-момолар ўртасидаги риштани мустаҳкамлашга ҳаракат қиласди.

17. Агар ораларида низо чиқиб қолса, уларни яраштириб, ўрталарида меҳр-муҳаббат пайдо қилишга жидду жаҳд кўрсатади.

18. Ота-онаси ҳузурига рухсат сўраб киради. Айникса, кўзи ножоиз нарсаларга тушиб қолиш хавфи бўлган вақтларда бунга алоҳида эътибор қаратади.

19. Уларга Аллоҳ таолони эслатиб туради. Билмасалар, шаръий масалаларни ўргатади, ота-онасини яхшиликка буюриб, ёмон ишлардан қайтаради. Бу, албатта она-онасида гуноҳ-маъсият ишларни кўрганда қилинади. Бу иш жуда одоб билан мулойимлик ва меҳр-шафқатлик илиб олиб борилади. Агар ота-онаси унинг гапини инобатга олишмаса, сабр қиласди, ҳақларига дуои хайрлар қиласди.

20. Ота-онасидан изн сўраш, уларнинг раъйларига қараб бирон ишни бошлиш. Бу уйдан ташқарига чиқиш бўладими, сафарга кетиш бўладими, фарқи йўқ. Агар улар рухсат беришса, ўша ишни қиласди. Агар рози бўлишмаса, раъйларига қараб улар хоҳламаган ишни тарк этади. Чунки ота-она фарзанд билмаган ва кўра олмаган жиҳатларни билишади. Уларда ҳаётий тажриба кўпроқ.

21. Ота-онанинг гапига қулоқ солиш. Бу яхши инсонларга қўшилиш, ёмонлардан узок

бўлиш, шубҳали жойларга бормаслик ва нопок масканлардан йироқ юриш билан бўлади.

22. Ота-она томонидан бирон ножӯя хатти-ҳаракат содир этилган ёки таълим-тарбияда нуқсонга йўл қўйилган бўлса, фарзанд уларни маломат қилиши, жеркиши, койиши тўғри эмас.

23. Гарчи ота-она айтмаган бўлса ҳам, уларни хурсанд қиласиган ишларни бажариш. Мисол учун, ака-укалар ўртасида яхши муносабат ўрнатиш, қариндошлар билан борди-келди қилиш, уйнинг таъмирга муҳтоҷ жойларини тузатиб қўйиш, ота-онага совға-саломлар улашиш, хуллас, ота-оналари қалбига қувонч бағишлийдиган ишларни амалга ошириш.

24. Ота-онасининг табиати ва феълини яхши билиб, шунга яраша муомала қилиш. Агар улардан бири жаҳлдор, қўпол бўлса, фарзанд мана шу жиҳатни эътиборга олиши керак.

25. Ота-она ҳаёт вақтларида ҳақларига кўп-кўп дуолар қилиш, истиғфорлар айтиш. Зоро, Аллоҳ таоло бизга шундай таълим берган: “**Эй, Раббим! Мени (улар) гўдаклик чоғимдан тарбиялаганлариdek, Сен ҳам уларга раҳм қилгин!**” (*Исро сураси, 24-оят*).

Бошқа ўринда Нуҳ (алайхиссалом) тилидан бундай дейилган: “**Эй, Раббим! Мени, ота-онамни, уйимга мўмин ҳолда кирган кишиларни ва барча мўмину мўминаларни мағфират этгин!..**” (*Нуҳ сураси, 28-оят*).

26. Ёруғ оламни тарк этганларидан кейин ҳам ота-онага яхшилик қилиш. Бу уларнинг ҳақи улуғлиги ва оламлар Парвардигорининг раҳмати кенглигидандир. Солиҳ фарзандлари

сабаб вафотларидан кейин ҳам ота-онанинг эзгу амаллари узилиб қолмайди.

Баъзи ноқобил фарзандлар ота-онаси тириклигига қадрларига етмай, ўтиб кетганларидан кейин аттанг, деб афсус-надомат чекади. Ана шундай кишилар улар вафотидан кейин меҳрибонлари ҳақига дуо қилсалар, истиғфор айтсалар, эзгу амалларни бажариб, Қуръон тиловат қилиб, савобини ота-онамга етказгин, ё Аллоҳ!” деб дуо қилсалар, иншоаллоҳ, манфаати бўлади.

Фурсатни қўлдан бой берган фарзанд ота-онаси вафотидан кейин уларга мана бу йўллар орқали яхшилик қила олади:

1. Аввало фарзанд солих, мўмин, қобил бўлсин!
2. Ота-онаси ҳақига дуолар қилиб, истиғфорлар айтади.
3. Ота-онаси туфайли қариндош бўлганлар ила силаи раҳмни боғлайди.
4. Ота-онасининг васиятларини бажаради.
5. Ота-онаси номидан садақалар беради.

ОТА-ОНАГА ЯХШИЛИК ҚИЛИШГА УНДОВЧИ АМАЛЛАР

Ота-онага яхшилик қилиш Аллоҳ, азза ва жалланинг улуғ неъматидир. Аллоҳ уни истаган бандасига беради. Қуйида ота-онага яхшилик қилишга ундовчи бир қанча омилларни санаб ўтамиз:

1. Аллоҳ таолодан ота-онаси билан яхши муомала қилишни дуо қилиб сўраш, У Зотга ибодат қилиш, шариат кўрсатмаларига риоя этиш. Шояд шунда Аллоҳ бандасини ота-она-

сига меҳрибон ва яхшилик қилувчилар қаторида қиласа.

2. Ота-онага яхшилик қилиш фазилатларини эслаш ва уларга оқ бўлиш оқибатларини ёддан чиқармаслик. Бу фарзандни ота-онасига яхшилик қилишга ундовчи энг кучли омил саналади.

Фарзанд ота-онасига оқ бўлаётган кимсалар ҳолига ибрат назари билан боқсин, ғам-андух ва мусибатга йўлиқиб, боши ташвишдан чиқмаётгани, ҳасрат-надомат остида қолиб кетаётганларини бир мулоҳаза қилиб кўрсин. Агар ота-онасига ноқобил фарзанд бўлса, ўзининг қисмати ҳам шундай якунланишини кўз олдига келтирсинг!

3. Ота-она фарзандига қилган яхшиликларни эслаш. Айнан улар сенинг вужудга келишингга сабабчи бўлдилар, сен улар туфайли ҳаётда яшаяпсан. Ота-онангнинг яхшиликлари ва меҳри сенга бекиёсdir. Буни ҳеч бир мезон билан ўлчаш мумкин эмас. То вояга етгунингча ота-онанг не машаққатлар чекиб, сенинг роҳат-фароғатинг йўлида ташвиш чекканларини унутма, эй фарзанд! Мана шуларни доим хотирангда сақла!

4. Нафс жиловини кўлга олиб, уни ота-онага яхшилик қилиш руҳида тарбиялаш, ўзини ота-онаси хизматига шайлаш, бу йўлда жидду жаҳд кўрсатиш. Агар ишлар маромида бажарилса, ота-онага яхшилик қилиш инсон табиатига сингиб кетади.

5. Ҳар қандай ҳолатда Аллоҳ таолога тақво қилиш. Айнан тақво сифати ота-онанинг ҳақини унутмаслик, поймол этмасликка ундейди.

6. Оталарнинг салоҳиятли бўлиши. Айнан оталарнинг солиҳ бўлиши фарзандларнинг уларга меҳрибон ва раҳмдилликлариiga, яхшилик қилишларига асосий сабаблардандир.

7. Ота-онага яхшилик қилишга ундаш, панд-насиҳат қилиш. Бу иш яхши инсонларнинг далласи, солиҳлар фазилатлари, оқпадар бўлганлар қисматидан ибрат ва сабоқи олиш билан бўлади.

8. Фарзандларга яхшилик қилишда ёрдам бериш. Ота-оналарнинг ўзлари болаларини бу ишга чорлаб, уларнинг рухини кўтариши, қилган яхшиликлари эвазига уларга раҳмат айтиб, дуо-гўй бўлишлари керак. Бу нарса фарзандларни яна-да руҳлантириб, ота-оналарига бундан-да кўпроқ яхшилик қилишларини таъминлайди.

Баъзи одамлар бола-чақаси ва шириндандшакар набираларидан бир дақиқа ҳам айро яшаолмайди, ҳатто ёши юзни қоралаб қолган бўлса-да, фарзандлари унга яхши қарайди, оқ ювиб, оқ тарашади, хизматларида бир-бири билан мусобақалашишади. Ҳатто бу ишдан хузур-ҳаловат топишади. Бунинг сири нимада бўлиши мумкин? Жавоб оддий, ота-она фарзандларини шу ишга жалб этган, уларни жуда яхши кўрган, яхшиликлари эвазига уларга чиройли мақтов ва шукрлар айтади, дилларига олам-олам қувонч бағишилайди, фарзандларини чиройли исмлар билан чақиради. Мана шундай дуогўй ва тилидан бол томувчи ота-онага ҳар қандай фарзанд ҳам елиб-югуриб яхши хизмат қиласи.

9. Фарзанд ўзини ота-онасининг ўрнига қўйиб кўрсинг. Эй фарзанд, қариганингда, сочиннга оқ тушиб, оёқ-қўлингдан мадор кетга-

нида фарзандларинг қандай муомала қилишини хоҳлайсан? Ҳозир ота-онангга қилаётган муомаланг ўзингни қониқтирадими? Шу саволни ўзингга бергин-да, ота-онангга қилаётган муомалангни ислоҳ қил, ўзингни ўнгла, хатоларингни тузат. Сабаби, кун келиб сен ҳам қарийсан. Ёшлигинг абадий давом этмайди, ахир.

10. Ота-онасига яхшилик қилган фарзандлар ҳақидаги ибратли ривоят ва ҳикояларни ўқиши унинг ҳимматини ошириб, меҳрибонларига нисбатан муносабати ижобий тарафга ўзгаришига сабаб бўлади. Шунингдек, ота-онасига кўрнамаклик қилиб, уларнинг дуоибадларига “сазовор” бўлган ноқобил фарзанд қисмати ҳақидаги хабарлар ўқилса, ота-она ҳақи поймол этилишининиг ёмон оқибатларидан огоҳ бўлинади.

ХОТИНИ БИЛАН ОТА-ОНАСИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТ

Бу аслида ота-онага яхшилик қилишга ундовчи омиллар таркибиға киради. Лекин бу муҳим масаладир. Шунинг учун алоҳида келтирилмоқда.

Кўп ҳолларда хотин эрини ота-онасидан қизғаниб, ғайирлик қиласди. Аллоҳга тақвоси камлиги сабаб баъзан қайнота ва қанонасининг ҳақларини поймол қилиб, худбинлик қўчасига кириши, фақат ўзи ва эрининг манфаатларини устун қўйиши кузатилади.

Қайнота ва қайнонанинг ё бўлмаса, бирларини табиати оғирроқ, жаҳли тез бўлиши мумкин. Ҳатто айрим ҳолатларда қўярда қўймай: “Хотин

нингни талоқ қиласан!” деб ўғилларига зуғум ўтказади. Яъни келиндан норози эканини рўкач қилиб ўғилларига шундай шартни қўядилар. Хўш, бундай чигал вазиятдан қандай чиқиб кетиш мумкин? Бу муаммонинг ечими борми? Оила бошлиғи бундай ҳолатда қандай йўл тутсин? Хотинини рози қиласман деб, ота-онасининг дилини вайрон қилсинми ёки ота-она кўнглини олиш учун завжасига зулм ўтказсинми? Балки хотини ҳақ, ота-онаси ноҳақдир ёки аксинча бўлиши мумкин.

Оқил эркак бундай пайтда ақлу заковатини ишга солиб, хотини ва ота-онаси ўртасида пайдо бўлган зиддиятни юмшатишга, ораларини ислоҳ қилишга бор кучи билан ҳаракат қиласди. Мусулмон киши бунда икки тарафга инсоф қилиб, ҳар бир ҳақдорнинг ҳақини тўлиқ адо этади, ҳеч кимга зигирча ҳам зулм қилмайди.

Ислом шариати турли фирмә ва тоифалар ўртасидаги алоқаларни ислоҳ қилувчи мезонни тақдим этди. Аллоҳнинг тавфиқига сазовор банда ана шу мезон ёрдамида ҳар бир ҳақдорнинг ҳақини адо қиласди. Жуда кўп ижтимоий муаммолар, оилавий уруш-низолар мана шу мувозанат бузилиши оқибатида келиб чиқади. Агар бир банда ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлақонли англаб этиб, уларни бажариш йўлида ҳаракат қилса, бу муаммолар ўз-ўзидан бартараф этилади.

Қуйида оилавий жанжалларни бартараф этиш бўйича баъзи тавсияларни берамиз:

1. Аввало, ҳар қандай фарзанд ота-онасининг феълини яхши билиб, уларни тушунишга ҳаракат қилиши керак. Уйланганидан кейин ҳам ота-онасига яхшилик қилишни давом эттирсин. Агар ота-онасининг табиати оғирроқ бўлса, уларнинг кўз ўнгида хотинига нисбатан меҳр-муҳаббат ҳиссини ошкор этмасин! Аксинча, ота-онасининг дили рашкка тўлади, жаҳллари чиқади. Айниқса, она ўғлининг келинига қилаётган бундай илиқ муомаласини кўриб ғайирлик қилиши мумкин.

Ўғил ота-онасига ҳамиша мулойимлик ила муомала қиласди, уларни рози қилиш учун бор куч-ғайратини сарфлайди, кўнгилларини олиш пайида бўлади.

2. Хотинга инсоф қилиш. Бу завжасининг ҳақини билиш, ота-онасидан у ҳақда эшитган ҳар қандай гапни тасдиқлайвермаслик, хотинидан яхши гумонда бўлиш ва етказилган хабарни текшириб кўриш билан бўлади.

3. Меҳр-муҳаббат ришталарини ўрнатиш. Масалан, совға-саломлар олиб, хотини ота-онасига ҳадя этишини ёки ота-онасига баъзи нарсалар бериб, уни хотинига беришни тавсия қилиш. Буни аввал ота-онадан, биринчи навбатда онасидан бошлайди. Шундай қилинса, диллар юмшаб, меҳр ҳисси пайдо бўлади, ёмон гумонлар ўз ўрнини муҳаббат ва ишончга бўшатиб беради.

4. Хотинига айрим нарсаларни тушунтириб қўйиш. Мисол учун, “ота-онам менинг ажралмас қисмимдир. Нима бўлганда ҳам мен уларни қаровсиз ташлаб қўймайман, яхши муомаламни ўзгартирмайман. Уларни бирорга ҳақорат

қилдириб қўймайман. Агар мени яхши қўрсанг, ота-онамга чиройли муомала қил!” деб хотинига тайинлайди.

Эркак жаҳл ва зарда билан муаммо баттар кўпайиши, мулойимлик эса ҳар қандай ишни зийнатлашини хотинига эслатади.

5. Келин ҳар бир оиласда ўз ўрнига эга бўлади. Бундай масалаларнинг ҳал этилишида унинг ҳиссаси катта. У эрининг ҳақини билиб, тўкис адо этса, унинг қариндошларини ҳурмат қилса, ота-онасига меҳрибон бўлса, эрига бўлган ҳурмат белгиси бўлади. Шунда оила мустаҳкамланади.

Келин эр-хотинлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва фитна оловини ўчириш йўлида ҳаракат қилиши керак.

Эридан қизғанаётган келин, аввало, фарзандини тўққиз ой мобайнida қорнида не машаққат билан кўтариб юрган онаси эканини унутиб қўймасин! Келин эрига минг яхшилик қилмасин, барибир қайнона ўғлини қизғанаверади. Чунки биринчи галда ўғлига она ҳақлироқ. Сабаби тўлиқ меҳрини бериб, фарзандини камолга етказиб энди роҳатини кўраман, деганда унинг хотини тарафга “оғиши” онани уччалик хурсанд қилмайди. Келин мана шу жиҳатларни инобатга олиб иш тутиши керак.

Келин эрининг онаси бир вақтнинг ўзида фарзандлари учун ҳам она эканини зинҳор ёдидан чиқармасин! Агар у қайнонасига она-сидек муомала қилса, қайнона унга қизидек муносабатда бўлади. Она тарафидан фарзандига баъзи жафо ва азиятлар ўтиши мумкин. Фарзанд савоб умидида бунга тоқат қила олиши керак.

Агар оилада ислом одоб-ахлоқи амалда бўлса, ҳар бир инсон ўз ҳақи ва мажбуриятларини яхши билса, бундай хонадон файзли ва хотиржам масканга айланади.

Келин ўзининг уйидагиларини эрининг ота-онаси ва қариндошларидан кўпроқ яхши кўради. Худди шунга ўхшаб эри ҳам ўз оиласини хотининг оиласидан ортиқ кўради. Аёл буни тўғри тушуниши керак. Шуни инобатга олиб, эрининг қариндош-уругини ҳақорат қилиши, устидан кулиши мақсадга мувофиқ эмас. Бу нарса эрнинг хотинидан нафратланиши, кўнгли қолишига олиб боради.

Оиласини, ота-онасини яхши кўрадиган киши солих, ақлли ва ҳурматга лойиқ инсондир. Хотини унга эҳтиром кўрсатиши ва шаънини кўтариши ва унда яхшилик аломатларини кўра билиши лозим. Кўп ҳолларда ота-онасига яхшилик қилмайдиган ноқобил фарзандлар хотинига ёки болаларига ҳам жабр-зулм ўтказади.

Келин ўз ота-онасини кўз олдига келтирсин: у ҳам ака-укаларининг хотини онасига шундай ёмон муомала қилишини, кўнгилларини оғритишини истамайдими? Вақти келиб ўзи ҳам қайнона бўлганида, белидан мадор кетиб, сочига оқ оралаганда келинларидан мана шундай кўпол муомала кўришига рози бўладими?

Аслида келин қайнона ва қайнотасига яхши муносабатда бўлса, эрининг ота-онаси келинларини, ҳатто ўз қизларидан ҳам ортиқ яхши кўришлари мумкин. Зоро, чиройли муомала қалбни ошно қиласди, дилни дилга улайди.

Келин қайнона ва қайтонасидан етган азиятларга сабр-бардошли бўлиб, савоб умидида қийинчиликларни енгиб яшайди, қилаётган ишининг оқибати хайрли бўлишидан умид қиласди. Гарчи озор етказсалар-да, келин эрининг ота-онасига гўзал муомаласини аямайди, ҳадялар улашади, сўзларига қулоқ тутади, ширин муомала қиласди, салом беради, яхшиликча муроса қилиб умргузаронлик қиласди. Ҳатто эрини ота-онасига яхшилик қилишга ундаиди, уларнинг ҳақларини адo этишга чақиради. Кўлини самога кўтариб, Аллоҳ таолога дуюю илтижолар қиласди, қайнона ва қайнотасининг қалбларини ўзига нисбатан меҳр-шафқатга тўлдиришини, ўрталарида яхши муносабат ўрнатилишини сўрайди.

Эй келин! Бу гаплар мазғини чақ! Уларга эътиборли бўл! Шундай қилсанг, сенга дунёда чиройли мақтовлар айтилади, охиратда эса ҳисобсиз мукофотларни қўлга киритасан.

ПАЙГАМБАРЛАР ВА СОЛИҲ ИНСОНЛАР ҲАЁТИДАН НАМУНАЛАР

Биз юқорида ота-онага яхшилик қилиш ҳақида тўхталиб ўтдик. Бу йўлда бизга пайғамбарлар ва солих инсонлар ҳаёти ибрат бўлади. Улар ота-онага яхшилик қилишнинг гўзал намунасини кўрсатганлар. Шу сабабдан Аллоҳ уларнинг икки дунёдаги мартабаларини баланд қилди.

Шу маънода қуйида ажойиб ривоятларни келтирамиз. Шояд бу қиссалар бизни яхшилик ва салоҳият йўлига ундаса.

Аллоҳ таоло хабар қилишича, Нуҳ (алайҳиссалом) ота-онаси ҳақига дуо қилиб, истиғфор айтарди: “Эй, Раббим! Мени, ота-онамни, уйимга мўмин ҳолда кирган кишиларни ва барча мўмину мўминаларни мағфират этгин!” (*Нуҳ сураси, 28-оят*).

Иброҳим (алайҳиссалом) отасининг ҳидоятидан умид қилиб, залолат қаърида қолиб кетишидан қўрқиб унга мулоимлик ила шундай деган: “Эй ота! Нега сен эшитмайдиган, кўрмайдиган ва сенга бирор фойда етказа олмайдиган нарсага ибодат қилурсан? Эй ота! Дарҳақиқат, сенга келмаган илм менга келди. Бас, менга эргашгин! Сени тўғри йўлга ҳидоят қилурман. Эй ота! Шайтонга ибодат қилмагин! Чунки шайтон Раҳмонга итоатсиз бўлган. Эй ота! Ҳақиқатан, мен сенга Раҳмон (томон)идан азоб етиб, (дўзахда) шайтоннинг ёнида бўлиб қолишингдан қўрқаман!” (*Марям сураси, 42–45-оятлар*).

Исмоил (алайҳиссалом) башарият тарихида отага итоат этишнинг энг гўзал намунасини кўрсатди. Падари бузруквори Иброҳим (алайҳиссалом) унга: «“Эй ўғилчам! Мен тушимда сени (қурбонлик учун) сўяётганимни кўрмоқдаман. Энди ўзинг нима раъй (фикр) қилишингни бир (ўйлаб) кўргин!” деган эди, у айтди: “Эй отажон! Сизга (тушингизда Аллоҳ томонидан) буюрилган ишни қилинг! Иншоаллоҳ, мени сабр қилувчилардан топурсиз”» (*Соффот сураси, 102-оят*).

Энди салафи солиҳлар ҳаётига бир назар ташлаймиз. Шунда улар ота-онага яхшилик

қилишга жуда катта эътибор қаратганларининг гувоҳи бўламиз.

Ривоят қилинишича, Ибн Умар (розияллоҳу анху) Макка йўлида бир аъробий кишини учратиб қолди ва унга салом берди. Ўзи миниб келаётган эшагига аъробийни миндириб, бошидаги салласини унга ҳадя қилди. Ибн Динор айтади: «Шунда биз унга: “Аллоҳ иишиңгизни ўнгласин! Аъробийлар бундан камига ҳам рози бўлишарди”, дедик. Шунда Абдуллоҳ ибн Умар: “Бунинг отаси Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анху)ни яхши кўрарди. Мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Фарзанднинг отасига ошно бўлганлар илиа борди-келди қилиши энг гўзал яхшиликдир”, деганларини эшитганман”, деб айтди» (*Имом Муслим ва Абу Довуд ривояти*).

Абу Абдураҳмон Ҳанафийдан ривоят қилинишича, Каҳмас ибн Ҳасан уйида бир чаёни кўриб қолиб, тутиб ўлдиргунича у тешикка кириб кетди. Каҳмас чаёни олиш учун қўлинни тешикка тиқди. Чаён унга озор бера бошлади. Шунда ундан: “Бу билан нима қилмоқчи эдинг?” деб сўралди. Каҳмас бу саволга: “Чаён тешикдан чиқиб, онамни чақиб олишидан чўчиридим”, деб жавоб берди (*Абу Нуайм, “Ҳилятул авлиё”*).

Тобеинларнинг улуғи, “Зайнулобидин” лақаби билан шухрат қозонган Абулҳасан ибн Али ибн Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб онасига жуда кўп яхшилик қиласарди. Унга: “Сен онангга кўп яхшилик қиласан. Ҳеч онанг билан бирга ўтириб овқатланганингни кўрмаганмиз?” дейилганида, Зайнулобидин: “Мен онамнинг кўзи тушган

бирон луқмага билмай қўл узатиб қўйиб унга оқ бўлиб қолищдан қўрқаман”, деб жавоб берган экан (“*Уюнул ахбор*”).

Ҳафса бинти Сирриндан ривоят қилинишича, Муҳаммад ибн Сирриннинг онаси хижозлик эди, турфа рангларни хуш кўрарди. Муҳаммад унинг учун имкон қадар турли рангдаги либосни сотиб оларди. Ийд кунлари онасининг кийимини бўяб берарди. Ибн Сирин бирон марта онасига қаттиқ гапирмаган, агар мурожаат қилса, худди тазарру қилаётган хокисор одамдек сўзларди. Бир сафар бехосдан онасига овозини баланд кўтариб юборганида, “жазо”сига икки нафар қулни озор қилган экан (“*Сияру аъломин нубало*”).

Ота-онага яхшилик қилишда ўрнак бўладиган зотлардан яна бири муҳаддис Бундордир. У Басра шаҳрининг ҳадисини йиққан. Аммо онасига яхшилик қилиш илинжида бирон жойга сафар қилмаган.

Бу ҳақда Бундорнинг ўзи бундай деган: “Мен илм талабида сафар қилишни истадим. Бироқ онам мени тўсиб қолди ва мен унга итоат этдим. Бунинг эвазига Аллоҳ менинг илмимга барака ато этди” (*Сияру аъломин нубало*”).

Асмаъий айтади: «Менга аъробийлардан бири бундай ривоят қилди: “Одамлар ичидаги энг оқпадар ва энг қобил фарзанд бўлган одамни топиш учун йўлга чиқдим. Одамлар орасини айланиб, ахири бир қариянинг олдига етиб бордим. Қарасам, унинг бўйнига чепак осилган, жазирама иссиқда минг бир азобда сув ташир эди. Бундай машаққатга ҳатто тужаҳ дош

беролмасди. Бу ҳам етмаганидек, бир йигит қўлида дағал арқондан эшилган хипчин билан уни саваларди. Хипчин зарбидан бечора чолнинг бели шилиниб кетганди. Мен унга: “Бу кекса одамни нега бунча қийнаяпсан? Аллоҳдан қўрқмайсанми?! Унинг бўйнига арқон соганинг каммиди? Яна уришингни қара!” деб хитоб қилдим. У: “Бу одам менинг отам бўлади”, деди. Шунда мен: “Аллоҳ сени яхшиликлар билан мукофотламасин!” дедим. У: “Шошмай тур. Бу одам ўз отасини ҳам шундай қиласарди. Бобом эса отасига ҳам шундай муносабатда бўлган экан”, деб айтди. Мен: “Одамлар ичида отасига энг ёмон муомала қиласиган мана шу йигит бўлса керак!” деб ўйладим.

Кейин йўлимда давом этдим. Кетаётиб бир йигитга кўзим тушди. Унинг елкасида замбил бўлиб, унга худди қушнинг полопонига ўхшатиб қария чолни солиб олганди. Йигит қариянинг олдига ҳар соатда егулик келтириб, худди қуш боласига чайнаб берганидек чайнаб оғзига соларди. Мен: “Бу ким?” деб сўрадим. У: “Отам. У қариб ақлдан озган. Мен уни парвариш қилишни зиммамга олганман”, дедим. Шунда мен: “Одамлар ичида отасига энг яхши муомала қиласиган мана шу йигит бўлса, ажаб эмас”, дея ҳайратимни яшира олмадим».

Обид ва уламолардан бўлган Талқ ибн Ҳабиб онасининг бошидан ўпар, хурмат юзасидан волидаси уйда ўтирганида томга чиқиб юрмасди.

Омир ибн Абдуллоҳ ибн Зубайр бундай деган: “Отам вафот этганида тўлиқ бир йил Аллоҳдан унинг ҳақига мағфират сўрадим”.

Журайж обид қиссаси.

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилиб дедилар: “Уч кишидан ташқари ҳеч ким бешикда гапирмаган. Булар: (бириңчиси) Исо ибн Марям, (иккинчиси) Журайжнинг соҳиби”. Журайж ўзини ибодатга бағишлаган обид бандада эди. Ибодатхонани макон тутган эди. Кунларнинг бирида унинг олдига онаси келди, у намоз ўқиётган эди. “Эй Журайж!” деб чақирди. Журайж: “Ё Аллоҳ! Онамми, намозимми? (яъни, онамга жавоб берайнми ёки намозимда давом этайнми?)” дея (тараддулланиб қолди) ва намозда давом этишга қарор қилди. Онаси чақиришни (ҳар сафар уч мартадан) уч кун давом эттиради. Учинчи чақиришининг сўнгига: “Парвардигоро, бузуқ хотиннинг юзини кўрмагунича унинг жонини олма!” дея қарғади. Ўша пайтларда гўзаллиги билан ҳамманинг оғзига тушган бузуқ хотин бор эди. У “Хоҳласангиз, уни мен йўлдан оздираман”, деди ва Журайжнинг олдига бориб, ўзига чорлади. Аммо Журайж унга эътибор бермади. Сўнг хотин бир чўпоннинг олдига борди, ундан ҳомиладор бўлди. Болани туққач, “Бу бола Журайждан”, деди. Халқ (ғазаб билан) келиб Журайжга (одамлар): “Сен бу фоҳиша билан зино қилдинг, у сендан бола туғди!” дедилар. Журайж: “Бола қаерда?” деди. Халойиқ болани олиб келишди. Журайж: “Мени ўз ҳолимга қўйинглар, намозимни ўқиб олай”, деди. Намози тугагач, боланинг олдига борди, қорнига нуқиб: “Хой бола! Отанг ким?” деб сўради. Гўдак:

“Фалончи чўпон”, деб жавоб берди. Шундан кейин халқнинг Журайжга хурмати янада ошди. (Учинчиси:) Бир замонлар бир гўдак онасини эмиб ётарди. У ердан чопқир отга минган, қадди-қомати келишган киши ўтди. Уни кўрган аёл: “Ё Аллоҳ, ўғлим шунга ўхшасин!” деб дуо қилди. Гўдак қўкракни оғзидан чиқариб, ўша одамга бурилиб қаради ва “Ё Аллоҳ! Мени бунга ўхшатма!” деди. Сўнг яна эмишда давом этди. Кейин (она-боланинг ёнидан) бир тўп одам ўтди. Бир аёлни олдиларига солиб ҳайдаб борар, “Сен зино қилдинг-а, ўғрилик қилдинг-а!” дердилар. Аёл эса: “Менга Аллоҳнинг Ўзи кифоя. У нақадар яхши вакилдир!” дерди. Боланинг онаси: “Ё Аллоҳ! Болам бунга ўхшамасин!” деди. Гўдак яна эмишдан тўхтаб, аёлга қаради ва “Ё Аллоҳ! Мени шунга ўхшат!” деди. Ана шунда (она-бала) ўзаро гаплаша бошлишди. Гўдак айтди: “Башанг кийинган киши ўтди. Сиз “Ё Аллоҳ, ўғлим шунга ўхшасин!” дедингиз. Мен: “Ё Аллоҳ! Мени бунга ўхшатма!” дедим. Кейин мана бу аёлни олиб ўтишди, уни уришар, “Зино қилдинг, ўғрилик қилдинг!” дейишарди. Сиз “Ё Аллоҳ! Болам бунга ўхшамасин!” дедингиз. Мен бўлсам, “Ё Аллоҳ! Мени шунга ўхшат!” дедим. Ўша отлиқ золим киши эди. Шунинг учун мен “Ё Аллоҳ! Мени бунга ўхшатма!” дедим. Анови “зино қилдинг, ўғрилик қилдинг!” дейишашётган аёл зино ҳам қилмаган, ўғрилик ҳам қилмаган эди. Шу боис “Ё Аллоҳ! Мени шунга ўхшат!” дедим» (*Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти*).

Шарҳ. Гапириш ёшига етмасдан гапирган боловлалар сони ривоятларга кўра етти нафар бўлган.

Аллома Бадриддин Айнийга кўра, ҳадисда уч нафар дейилишига сабаб – бу пайтда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошқаларини ҳали ваҳий орқали билмаганларидан бўлиши мумкин. Чунки у зот ғайбни билмасдилар. Аллоҳ таоло билдирган нарсанигина билардилар. Ҳазрат Юсуфга гувоҳлик берган гўдак, Фиръавн оловга ташлатмоқчи бўлган аёлнинг боласи ва ҳазрат Яхё гапириш ёшидан олдин тилга кирган болалар қаторида зикр қилинган. Куртубий “Бу уч гўдак бешикдалигида, бошқалари эса бир оз каттароқ, аммо ҳануз гапириш ёшига кирмаган пайтларида гапирган”, дея таъвил қилган.

Ҳадисдан Журайж намозда гапиргани билиняпти. Ҳолбуки, гапириш намозни бузади. Олимлар масалага бундай изоҳ беришган: Эҳтимол, Журайж замонидаги шариатда намозда гапириш мумкин бўлгандир. Зеро, Исломнинг илк йилларида, тегишли оят тушгунига қадар намозда гапириш, турли ҳаракатлар қилиш мумкин бўлган. Оят тушгач, буларнинг бари тақиқланган. Шу билан бирга, Журайжнинг гапиришини ичида, ўзига сўзланиш тарзида ҳам тушуниш мумкин. Журайж онасига жавоб бериш билан намозида давом этиш ўртасида иккиланниб, кейин намозида давом этишни танлади ва онасининг қарғишига қолди.

Баъзи олимлар ҳадисдан, бундай ҳолатда онага жавоб бериш керак, деган ҳукмни олишган. Улар: “Журайж ўқиётган намоз нафл эди, онанинг чақириғига жавоб бериш эса вожибдир”, дейишади. Бу борада Расулуллоҳ (соллал-

лоҳу алайҳи ва саллам)нинг “Агар Журайж олим бўлганида, онасининг чақириғига жавоб бериш нафл намозда мумкин эканини биларди”, деган сўзлари ривоят қилинган. Журайж обид эди, олим эмасди. Олим обиддан устунлигига ушбу қисса ҳам далолат қиласи.

Имом Нававий айтади: “Онасининг дуоси қабул қилинди. Чунки Журайж намозни қисқа қилиб, онасига жавоб бериши мумкин эди. Аммо у онасининг ибодатхонани ташлаб, дунё ишларига қайтишини талаб қилишидан қўрқиб, жавоб бермади”.

Ҳадисдан чиқадиган хуносалар:

* Ота-она ҳақи улуғ. Фарзанд узрли ҳолатда, ота-онани мажбуран норози қилган бўлса ҳам, қарғишлари унга тегади.

* Ота-оналар фарзандларини имкон қадар тушунишга ҳаракат қилишлари ва раҳмдил бўлишлари керак. Журайжнинг онаси унинг ўлимини, бузуқлик тўрига тушиб қолишини тилаб янада оғирроқ қарғаса бўларди. Лекин она буларни тилга олмади, фақатгина “Ёмон хотинларнинг юзини кўрмасдан ўлма!” деди.

* Журайж қучли эътиқод ва соғлом имон эгаси эди. Шу боис, истагига мувофиқ, ғайриоддий воқеа содир бўлди – бешикдаги бола гапирди.

* Икки ишдан бирини танлашга тўғри келиб қолса, муҳимроғи олдин бажарилади.

* Валийлар каромат кўрсата оладилар. Бу уларнинг талаб ва истаклари билан ҳам амалга ошиши мумкин.

- * Нафсининг чидашига ишонган кишигина ибодатнинг қийинини танласин.
- * Бузуқлик қилганинг ҳурмати қолмайди.
- * Таҳорат ва намоз олдинги умматларда ҳам бор эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР

1. Куръони карим.
2. Абдулазиз Мансур. “Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири”. – Т.: “Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси”, 2009 й.
3. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн И smoил Бухорий. “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ”. – Байрут, “Дор И bn Касир”. 1407 ҳ.й./1987 й.
4. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн И smoил Бухорий. “Ал-адаб ал-муфрад”. – Байрут, “Дорул фикр”, 2004 й.
5. Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Ҳанбал Шайбоний. “Ал-Муснад”. – Байрут, Ливан, “Дору муассасатир рисола”, 1993 й.
6. Абу Абдуллоҳ Маҳмуд ибн Язид ибн Можа. “Сунану И bn Можа”. – Байрут, “Дорул фикр”.
7. Абу Бакр Аҳмад ибн Амр Баззор. “Муснадул баззор”. – Байрут, “Дорул кутуб ал-ъилмийя”, 2001 й.
8. Абу Довуд Сулаймон ибн Ашъас Сижистоний. “Сунану Абу Довуд”. – Байрут, “Дорул фикр”, 2006 й.
9. Абул Фараж ибн Жавзий. “Биррул волидайн”.
10. Абул Фидо Имодуддин ибн Касир. “Тафсирул Куръонил азим”. – Миср, “Дорул китоб ал-исломий”. 2001 й.
11. Абулқосим Маҳмуд ибн Амр ибн Муҳаммад Замахшарий, Хоразмий. “Ал-Кашшоф ан ҳақоикат-танзил”. – Байрут, “Дорул китоб ал-арабий”. 2004 й.

12. Абу Исо Мұхаммад ибн Исо Термизий. “Сунани Термизий”. – Байрут, “Дору ихё ат-турос ал-исламий”. 1995 й.
13. Аҳмад ибн Ҳусайн Байҳақиј. “Ас-сунан ал-кубро лил Байҳақиј”.
14. Аҳмад ибн Шуайб Насоиј. “Сунанун Насоиј”. – Байрут, “Дорул кутуб ал-илмијя”. 1411 х.й./1991 й. 1-босма.
15. Аҳмад ибн Ҳусайн Байҳақиј. “Шуъабул иймон”.
16. Каримов И. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. – Т.: “Маънавият”, 2008 й. – 176-бет.
17. Мұхаммад ибн Абдуллоҳ Хатиб Табризий. “Мишкотул масобиих”. – Байрут, “Ал-Мактабул Исламий”, 1399 х.й.
18. Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Аҳмад Қуртубий. “Ал-Жомеъ ли аҳком ал-Қуръон”. “Дорул фикр”. – Байрут, Ливан. 1987 й.
19. Мұхаммад ибн Иброҳим Ҳамад. “Үқуқул волидайн: асбаабуху ва мазоҳируху ва субул илааж” (“Ота-онага оқ бўлиш, унинг сабаблари, кўринишлари ва бартараф қилиш йўллари”).
20. Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф. “Одоблар хазинаси” (“Ал-адаб ал-муфрад” китобининг шархи). – Т.: «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2011 й.
21. Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф. “Рұхий тарбия”. – Т.: «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2008 й.
22. Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф. “Яхшилик ва силай раҳм китобининг шархи”. – Т.: «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2009 й.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	3
Кексаларнинг эъзозланиши	6
Кексаларни ҳурматлаш –	
Аллоҳни улуғлашдир.....	8
Кичикнинг каттага салом бериши.....	9
Кекса ва ёши улуғлар мартабаси.....	9
Оқлаб бўлмас қабоҳат	15
Ота-онага оқ бўлишининг ҳукми	19
Ота-онасига оқ бўлган фарзандга дунёю охиратда бериладиган	
жазо ва уқубатлар.....	20
Ота-онага оқ бўлишга	
сабаб бўлувчи амаллар.....	22
Оқпадарлар қиссаларидан намуналар	42
Оқ бўлиш сабаблари	47
Ота-онага яхшилик қилиши таърифи	56
Ота-онага муомала қилиши одоби	57
Ота-онага яхшилик қилишга	
ундовчи амаллар.....	62
Хотини билан ота-онаси	
ўртасидаги муносабат	65
Пайғамбарлар ва солиҳ инсонлар	
ҳаётидан намуналар	70
Фойдаланилган манбалар	80

Диний-ижтимоий нашр

Сайиид Раҳматуллоҳ Термизий

**Ота-онага оқ бўлишдан
сақланайлик**

Муҳаррир Бобомурод ЭРАЛИ
Бадиий муҳаррир Элнур НИЁЗ ўғли
Саҳифаловчи Наргиза МИРЗАЛИЕВА
Мусаҳҳиҳа Нилюфар АБЛАЕВА

Нашриёт лицензия рақами: AI 146. 2009.14.08.

Босишга 2017 йил 18 сентябрда рухсат этилди. Офсет қофози. Қофоз бичими 84 x 108 $\frac{1}{32}$. Ҳарф гарнитураси PT Serif. Офсет босма усули.

Хисоб б. т.: 2,62. Шартли б. т.: 4,40. Адади: 5000 нусха.

_____ -сон буюртма. Баҳоси келишилган нархда.

“Movarounnahr” нашриётида тайёрланди.

Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар

Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй.

Электрон почта: m-nashr@mail.ru.

Тел: (0-371) 227-34-30

“Print Line Group” босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри Бунёдкор кўчаси 44-уй.